БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 6 сентябрь
Пайшанба
№ 169 (13.605).
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Президентининг Фармони

Жумҳурият ёшларини армияга чақиришни ва уларнинг ҳарбий хизматни ўташини такомиллаштириш чоралари тўғрисида

Ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилаётган Ўзбекистон ССЖ фуқароларининг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини, уларнинг оилалари манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек жумҳурият ёшларини ҳарбий хизматга чақиришни ва хизматни ўташни такомиллаштириш мақсадида:

1. 1990 йил кузги чақириқдан бошлаб жумҳурият йигитларини Ўзбекистон ССЖдан ташқарида жойлашган ҳарбий қурилиш қисмларига чақириш тўхтатилсин.

2. Бундан буён ёшларни СССР Қуролли Кучларига жумҳурият ҳукумати тегишли Иттифоқ идоралари билан тузадиган шартномаларга мувофиқ чақириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши 1991 йил баҳорги чақириққа қадар тегишли Иттифоқ идоралари билан чақирилувчилар сонини, уларнинг ҳарбий хизматни ўташ шартларини, уларнинг хавфсизлиги ҳамда муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишига кафолатларни белгилаб берадиган шартномалар тузсин. Чақирилувчиларни ҳарбий қисмларга кузатиб бориш ва уларни доимий истиқомат жойларига қайтариш кўзда тутилсин.

3. Тинч даврда ҳарбий хизмат бурчини бажариш чоғида акаси ҳалок бўлган йигитларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш тақиқлансин.

4. Шикаст етиши натижасида ҳозирги вақтда ногирон бўлиб қолган муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларга, шунингдек ҳарбий хизматни ўташ даврида ҳалок бўлганларнинг оилаларига жумҳурият маблағи ҳисобидан қўшимча нафақа белгилансин.

Ўзбекстон ССЖ Вазирлар Кенгаши мазкур қўшимча нафақаларни ажратиш тартиби ва шартларини тасдиқласин.

5. Ушбу Фармоннинг 1, 2, 3-бандларини бажарилишини таъминлаш, шунингдек армияга чақирилувчилар ҳарбий хизматни ўташида конституцион нормаларга сўзсиз риоя қилиниши учун тегишли идораларнинг масъулиятини ошириш мақсадида:

Ўзбекистон ССЖ Ҳарбий комиссариатига жумҳурият идораси мақоми берилсин;

Тошкент вилоят ҳарбий комиссариатини ташкил этиш учун жумҳурият бюджетидан маблағ ажратилсин.

Жумҳурият ҳарбий комиссариати тўғрисидаги Низом Ўзбекистон ССЖ Олий Шўроси кўриб чиқиши учун тақдим этилсин.

6. Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши армияга чақирилиш ёшидаги йигитларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, чақириқ комиссияларида қаттиқ тиббий назоратни таъминлаш ишларини ташкил этиш учун қўшимча равишда Ўзбекистон ССЖ соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари лавозимини жорий этсин ҳамда Қорақалпоғистон МССЖ Соғлиқни сақлаш вазирлигига, вилоят ижроия қўмиталари ва Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси соғлиқни сақлаш бошқармалари (бўлимлари)га биттадан штат ажратсин.

7. Қорақалпоғистон МССЖ Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия қўмиталари ва Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси касаба уюшмалари ва комсомол ташкилотлари билан биргаликда Ўзбекистон ССЖдан чақирилган йигитлар хизмат қилаётган ҳарбий қисмларга оталиқ қилиш ишларини кучайтирсинлар.

Жамоатчилик, уруш ва меҳнат ветеранлари вакиллари, маданият ва санъат арбоблари, бадиий ҳаваскорларнинг ҳарбий бўлинмаларга мунтазам бориб туриши ташкил этилсин, жумҳурият ҳаётини ёритувчи китоблар, даврий нашрлар, кинофильмлар юбориб турилсин.

Офицерлар составини тайёрлаш мақсадида туб миллатга мансуб йигитларни танлаш ва уларни ҳарбий ўқув юртларига юбориш юзасидан собитқадамлик билан иш олиб борилсин.

8. Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши қуйи ҳарбий комиссариатларни ўзбек тилини ва мазкур жойда яшовчи аҳоли кўпчилигининг тилини биладиган ходимлар билан мустаҳкамлашда жумҳурият ҳарбий комиссариатига зарур ёрдам кўрсатсин.

9. Ўзбекистон ССЖдан сайланган СССР халқ депутатлари, Ўзбекистон ССЖ Олий Шўросининг қўмиталари ва комиссиялари СССР, Олий Шўросида бўлажак ҳарбий ислоҳот лойиҳасини кўриб чиқиш чоғида жумҳурият манфаатлари ва мамлакатнинг мудофаа қобилиятига асосланиб, фаол иштирок этсинлар.

10. Оммавий ахборот воситалари қисмларда ҳарбий интизомни бузиш фактларини ва айбдорларга нисбатан кўрилган чораларни кенг ёритсинлар.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1990 йил 4 сентябрь.



Токи қор
ёққанга қадар шу.
Югур-югур.
Пахта,
пахта
ва яна пахта.
Бу ташвиш
«Социализм» жамоа
хўжалигидаям бошланди.
Бу пахтакорлар
Жарқўрғон ноҳиясидаги
илғорлардан.
Ҳозирча шундай.
Айни пайтда
хўжалик далаларида
қўл теримига
киришилди.
Хўжаликдаги
қатор бригадалар
жамоасининг ниятлари
юқори ҳосил
олиш.
Бунга
замин бор.
Ғўзалардаги
кўсаклар мўл.
Суратда: Райимшукур
Абдирапмов
бошлиқ бригада
аъзоси
Барно Абдуллаева
кунига 100-120
килодан пахта тераяпти.

Е. ХУЖАМБЕРДИЕВ суратга олган.

Ўзбекистон жумҳурияти Президентининг Фармонига шарҳ

Ҳар йили ўзбекистонлик минглаб йигитлар совет жангчилари сафларини тўлдирмоқдалар, Ватаннинг муносиб ҳимоячилари эканликларини кўрсатмоқдалар.

Бироқ ҳозирги пайтда армия ҳаёти ва турмушида йўл қўйилаётган салбий ҳодисалар жангчиларнинг ғашига тегмоқда, ота-оналарни ва жумҳурият бутун жамоатчилигини ҳақли равишда ғазабга келтирмоқда. Жумҳурият Президенти номига, давлат идораларига, жамоат ташкилотларига, оммавий ахборот воситаларига ҳарбий хизматни ўташни ташкил этишдаги катта камчиликлар, интизом ва тартиб қўпол бузилаётгани, уставга зид муносабатлар, ҳарбий хизматчиларнинг ҳалок бўлиши ҳақида хатлар тобора кўпроқ келмоқда. Қурилиш қисмларидаги аҳвол айниқса, тоқат қилиб бўлмайдиган даражага етмоқда.

Ўзбекистон ССЖ Президентининг «Жумҳурият ёшларини армияга чақиришни ва уларнинг ҳарбий хизматни ўташини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Фармони ёшларни Қуролли Кучлар сафларига чақиришни ташкил этишни, жумҳурият йигитлари хизматни ўташини, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни яхшилашга қаратилган.

Бундан буён ёшларни СССР Қуролли Кучларига жумҳурият ҳукумати Иттифоқ идоралари билан тузган армияга чақирилувчилар сонини, улар ҳарбий хизматни ўташ шартларини, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари хавфсизлиги ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиниши кафолатларини белгилаб берадиган шартномаларга мувофиқ чақириш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланмоқда. Ўз фарзандларини армияга кузатаётган ота-оналар армияга чақирилувчилар хизматни қаерда, қандай қисмларда, қандай шароитда ўташи, уларнинг хавфсизлиги учун қандай кафолат берилиши, фарзандлари қандай мутахассисликни эгаллаши ва қандай чиниқиши ҳақида аниқ ва равшан тасаввурга эга бўлишлари керак.

Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш билан боғлиқ муҳим давлат вазифаларини ҳал қилиш учун барча даражадаги халқ депутатлари Шўроларининг, уларнинг тегишли комиссиялари ва ижроия қўмиталарининг роли тубдан ўзгаради ва масъулияти даражаси ошади.

Кўрилаётган чора-тадбирлар ҳарбий хизматчилар ота-оналарининг ўз фарзандлари ҳарбий бурчларини муваффақиятли бажаришларига ишончини мустаҳкамлаш имконини беради.

Фармонда 1990 йил кузидан бошлаб жумҳурият йигитларини Ўзбекистон ССЖдан ташқарида жойлашган ҳарбий-қурилиш қисмларига чақиришни тўхтатиш белгилаб қўйилди, шунингдек тинч даврда ҳарбий хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлганларнинг биродарларини муддатли ҳарбий хизматга чақириш тақиқлаб қўйилди. Шикастланиш оқибатида ногирон бўлиб қолган муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларга, шунингдек ҳарбий хизматни ўташ даврида ҳалок бўлганларнинг оилаларига жумҳурият маблағи ҳисобидан қўшимча нафақа тайинланади. Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашига мазкур қўшимча нафақа ажратиш тартиби ва шартларини тасдиқлаш топширилди. Бу чора ижтимоий адолат қоидасини амалга оширишга, ногирон бўлиб қолганларга, шунингдек ҳалок бўлган йигитларнинг оилаларига кам бўлсада шароит яратиб беришга кўмаклашади.

Ёшларни муддатли ҳарбий хизматга тайёрлашни яхшилаш, қўшинларга йигитларни ташкилий равишда чақириш, шунингдек армияга чақирилувчилар ҳарбий хизматни ўташида конституцион нормаларга сўзсиз риоя этилиши учун тегишли идораларнинг масъулиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон ССЖ ҳарбий комиссариатига жумҳурият идораси мақомини бериш ва Тошкент вилоят ҳарбий комиссариатини тузиш кўзда тутилди. Жумҳурият ҳарбий комиссариати мақомининг ўзгартирилиши барча ҳарбий комиссариатлар ишини мувофиқлаштириб туриш, уларнинг фаолиятини таъсирчан назорат қилишни таъминлаш имконини беради, бу эса пировард натижада армияга чақириш ва ёшларнинг Совет Армиясида хизмат қилиши билан боғлиқ барча масалаларни аҳоли иштирокида анча осон ҳал этишга имконият яратади.

Қўшимча равишда Ўзбекистон ССЖ соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари лавозими жорий этилмоқда, Қорақалпоғистон МССЖ Соғлиқни сақлаш вазирлигига, вилоят ижроия қўмиталари ва Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси соғлиқни сақлаш бошқармалари(бўлимлари)га армияга чақирилиш ёшидаги йигитлар саломатлигини мустаҳкамлаш, чақириқ комиссияларида қаттиқ тиббий назоратни таъминлаш ишларини ташкил этиш учун биттадан штат берилади. Бундай ёндашув касалга чалинган ҳамда чақириқ кечиктирилиши учун бошқа сабаблари бўлган йигитларни армияга олиш ҳолларини тугатиш учун реал имконият яратади.

(давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

АСПИРАНТЛАР, ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ, ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ВА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ СТИПЕНДИЯЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Олий ўқув юртлари талабалари ва ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш ва уларнинг моддий аҳволини яхшилаш, мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида:

1. Барча аспирантлар, олий ўқув юртларининг талабалари ва ўрта махсус ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1990 йилнинг 1 сентябридан 30 фоизга қадар кўпайтирилсин.

2. Аспирантлар, талабалар ва ўқувчиларга зарур маданий-маиший шароит яратиш ҳамда уларнинг ижтимоий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш учун барча даражалардаги ўқув юртларининг ректорлари ва директорлари зиммасига шахсий жавобгарлик юклатилсин.

3. Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши ушбу Фармондан келиб чиқадиган барча масалаларни ҳал этсин ва стипендияларга қўшимча ҳақ тўлашни белгилашда табақалаштирилган ҳолда холисона ёндашувни таъминласин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти. **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1990 йил, 4 сентябрь.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ГУЛИСТОН НОҲИЯСИДА «ЁШ ЛЕНИНЧИ» КУНЛАРИ

ШУНДАЙ КУНЛАР КЎП БЎЛСИН

Суҳбатдошим савол беришимга йўл қўймайди. Тинмай гапиргани-гапирган. Куйиниб, ёниб сўзлайди у. Фикрлари аниқ ва тиниқ. Нияти яхши. Жамият ҳақида, ундаги ҳар бир кишининг ўрни ҳақида жўшиб-жўшиб сўзлайди.

Ҳамсуҳбатим — Тоҳир Отабобоев. Гулистон ноҳияси кўнгилли физкультура ва спорт жамияти касаба уюшмасининг раиси. Гарчанд у бу соҳада у қадар кўпдан буён ишламаётган бўлсада, соҳасини мукаммал билади. Ноҳияда спорт ишларини жонлантириш учун нималар қилиш кераклигини куйиниб сўзлайди.

— Биласизми, — дейди Тоҳиржон. — Авваллари, турғунлик йиллари ноҳияда спорт ишларининг даражаси қанча спорт мастери-ю, мастерликка номзод ҳамда разрядлилар сони билан ўлчанар эди. Ҳозир давр тамоман ўзгарди. Энг асосийси спортнинг оммавийлигида. Шунга эришсак бас. Хабарингиз бор. Ноҳиямиз рўзномасида «Ноҳия спортчилари қани?» сарлавҳали мақола чиққанидан кейин ишимизда туб ўзгаришлар рўй берди. Рўзнома, комсомол қўмитаси ҳамда маорифчилардан иборат «Илҳом» футбол командасини ташкил этдик.

Рости, аввалига учрашувларимиз у қадар қизиқарли, оммавий бўлмади. Уч-тўрт марта хўжаликлардаги футбол командалари билан учрашув ўтказганимиздан сўнг биз билан беллашишга талабгорлар кўпайиб қолди. Деярлик барча давлат ва жамоа хўжалиги спортчилари биз билан баҳслашиш орзусига тушиб қолишди. Шу баҳона ноҳиядаги барча ўйингоҳлар тартибга келтирилди. «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида эса янги ўйингоҳ қурилди. Навоий номли жамоа хўжалигида ҳамда «Комсомол» давлат хўжалигида ўйингоҳлар ташландиқ ҳолда эди. Ҳашар йўли билан бу ерлар намунали ҳолга келтирилди.

Тоҳиржон ҳозирги энг асосий мақсад ноҳия меҳнаткашларини, асосан йигит-қизларни спортнинг оммавий турларига кенг жалб қилиш, халқ саломатлигини мустаҳкамлашнинг гарови эканлигини қайта-қайта таъкидлайди.

Отабобоевнинг ўзи яхши спортчи. Бир вақтлар футбол бўйича ўтказилган вилоят чемпионатида биринчи ўринни олган команда таркибида қатнашган. Биринчи разрядли футболчи. Ноҳияда кимдан у ҳақда сўраманг, яхши фикр билдиради:

— Э, Тоҳиржонми, — дейишади улар. — Ажойиб йигит. Ташкилотчилигини айтмайсизми. Бирор ишга қўл урдими, охирига етказмагунича тиниб-тинчимайди. Қани энди унга ўхшаган иш учун талашиб-тортишадиган, мутахассислар кўпроқ бўлса...

Маълумки, «Ёш ленинчи» рўзномаси «Ижодкор» командаси 8 сентябрь куни Гулистон ноҳиясининг «Илҳом» командаси билан футбол матчини ўтказади. Қайси команда ғолиб бўлиши ҳақида ҳозирдан башорат қилиб бўлмайди, албатта. Лекин Тоҳиржон ўйин натижасини олдиндан билар экан:

— Ғолиб аниқ: у дўстликда.

Биз унинг бу қисқа ва аниқ, лўнда жавобига якдиллик билан қўшиламиз. Дўстлик ва биродарлик ҳамиша тантана қилишига ишонамиз.

Яна бир қувончли воқеа шуки, байрам тантаналарида қатнашиш истагини билдираётганлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Аввал хабар берганимиздек, жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзод Маҳмуджон Азимов бошлиқ «Парвоз» дастасининг аъзолари билан бирга жаҳон ва Оврўпо биринчиликларининг ғолиблари, мамлакатнинг, жумҳуриятнинг бир гуруҳ етакчи спортчилари ҳамда Бутуниттифоқ цирк санъати янги асарлари кўриги лауреати, Японияда ўтказилган йог санъати бўйича Бутунжаҳон фестивалининг олтин маъбуда совриндори, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Фурқатжон Юнусов ҳам Гулистонга бориш истагини билдирдилар. Шунингдек, улар билан бирга ёш, истеъдодли шоирларнинг бир гуруҳи ҳам байрам тантаналарида иштирок этадилар.

«Ўзбекистон физкультурачиси» рўзномаси ходимлари ҳамда жумҳуриятимизнинг таниқли спортчилари билан ҳам ҳамсуҳбат бўласиз.

Одамлар, ҳов одамлар, бир кун минг кун эмас. Эрта-индин қандай қилиб бўлмасин бирор дақиқа фурсат топиб байрам тантаналарида иштирок этинг. Мириқиб қўшиқ тингланг, ҳаяжонланиб футбол ўйинини кузатинг, оммавий халқ сайлида фаол қатнашинг.

Одамлар, ҳов одамлар...

Зиёвуддин ОРТИҚХЎЖАЕВ, «Ёш ленинчи» махсус мухбири.

Биринчи саҳифага мактуб

Мангу олов ёниб турсин... лекин

Мен бир нарсага ҳайронман. Ҳамма ерда халқ бойликлари сочилиб ётибди. Жумладан бизнинг жумҳуриятимиздаги табиий газлар ҳам. Битта Тошкентнинг агар янглишмасам, тўрт ерида — Ленин номли майдонда, Биродарлик қабристонида, Кафанов боғида ва вокзал олди майдонида кечаю-кундуз неча йиллар давомида қанчадан-қанча табиий газлар ёниб ётибди. Агар жумҳуриятимиз ҳудудидаги шаҳар марказидан то жамоа хўжалик идоралари олдида ёниб ётган ҳамма газни ҳисобласак, беҳисоб халқ бойлиги бекордан-бекорга исроф бўлмоқда. Тўғри, бу мангу оловлар ўтмиш авлодларнинг қаҳрамонлиги, жасоратини абадийлаштириш мақсадида қилинган. Мен ота-боболаримизнинг қилган жасоратларини сира камситмоқчи эмасман. Уларнинг қаҳрамонлиги ва жасоратини мармар лавҳа ёки ёдгорликларда акс эттириб, газни келгуси авлодга. ёки бўлмаса 73 йил давомида ўз уйида рўшнолик кўрмай таппи, ғўзапоя ёқиб тирикчилик қилаётган ўзбек деҳқони уйига бурса бўлмайдими?!

Агар бутун жумҳуриятимиз ҳудудидаги бефойда ёниб ётган минглаб кубометр газни деҳқон уйига бурсак, ўн минглаб деҳқонларимизнинг турмушини бироз енгиллаштирган бўлар эдик.

Менинг таклифим шу мангу ёниб турган оловлар байрам ва Хотира кунларидагина ёндириб қўйилса. Чунки ҳар куни ҳам одамлар зиёратга келавершмайди-ку? Ахир газ ҳам битмас-туганмас эмас, у ҳам бир кун келиб тугайди...

Ҳамида УМАРОВА. Тошкент шаҳри.

Қоғозни иқтисод қилсак...

Мамлакат иқтисодиёти чуқур танглиkни бошидан кечираётганлиги ҳозир ҳаммага маълум. Шу боис кундалик турмуш учун зарур кўпгина маҳсулотларнинг етишмовчилиги равшан сезилиб турибди.

Севимли рўзномамиз «Ёш ленинчи»нинг обуна баҳоси 1991 йилдан бошлаб 12 сўмга етганлиги ҳам бир томондан, қоғознинг етишмаётганлиги, унинг баҳоси кескин ошганлиги, яна қолаверса алоқа тармоқларининг нашрларни тарқатиш учун оладиган хизмат ҳақининг кўтарилганлигидир. Хўш, қоғоз танқислиги бундан буён ҳам давом этаверади-ю, биз бу ҳолга бепарво қараб тураверамизми?

Эшитишимча, Японияда қоғозни тежашнинг бир йўлини топишган экан. Яъни бу мамлакатда муштарийлар рўзнома ва жаридаларни ўқиб бўлишгач махсус ташкилотга қайтариб беришаркан. Табиийки, муштарий топширган рўзнома ёки жарида учун ҳақ ҳам олади. Бизда эса рўзномалар кўпинча йиртилиб, йўқолиб кетади ёки арзимаган у-бу ишларда ишлатилади. Хориждаги тажрибани бизда ҳам қўллаб бўлмасмикин?

Яхшилаб мулоҳаза юритиб кўрсангиз бунинг сира мураккаб томони йўқ. Айтайлик, шаҳарларнинг бир-икки гавжум жойида рўзномаларни қабул қилувчи дўконлар очилса, бу иш сал фурсатда изга тушиб кетади. Эҳтимол менинг бу таклифим кимларгадир эриш туюлар: «Арзимаган чақани деб рўзномаларни топшириб юриш, шу билан қоғозга ёлчиб қолармидик»...

Йўқ, гап бу ерда арзимаган чақалар ҳақида эмас, бора-бора тўпланадиган юзлаб тонна қоғоз, ўзимиз севган нашрларга арзонроқ баҳоларда обуна бўлиш ва ниҳоят мамлакатимизнинг шундоқ ҳам ночор иқтисодиётига оз бўлса ҳам фойда келтириш ҳақида бораяпти.

Содиқжон ИНОЯТОВ, Гурлан ноҳия фирқа қўмитаси мафкура бўлими йўриқчиси.

Улардан ибрат олинг



Матбаачилар сулоласи

Деҳқон меҳнати оғир. Чунки бечора уззу-кун далада бўлади. Матбаачилар айниқса, рўзномачилар ишини ҳам ҳар доим деҳқонлар ҳаётига қиёслайман. Деҳқон сингари саҳармардон бўлмаса-да, ҳар қалай барвақт иш бошлашади. Лекин уйига, оиласи даврасига қачон қайтиши нотайин, балки тун қоронғусида, балки эртаси эрталаб... Ҳа, ишонаверинг, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриёти Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасининг рўзнома-ҳарф териш цехида иш жараёни шунақа.

Шу ерда неча йиллардирки, Абдураҳмоновлар сулоласи фаолият кўрсатади. Очиғи, ўн йилдан бери меҳнат қилаётган, рўзнома саҳифаловчиси Фахриддин, ёки ўн етти йиллик меҳнат стажига эга бўлган Жамол ака ҳақида эмас, балки бу икки ака-уканинг отаси Товфиқ ота Абдураҳмон ўғли тўғрисида сўз юритмоқчимиз. Чунки ул мўътабар инсон табаррук пайғамбар ёшини муборак этди. Лекин ҳали-ҳануз ёшлар билан ҳамнафас.

Товфиқ ота эсини танибдики, матбаа кишиси. Оддий инсон. Маълумоти ҳам ўрта. Лекин сизу бизга ўхшаган олий маълумотли «мураккаб» инсонлардан тоши оғир. Зеро, назариёт бошқа, амалиёт бошқа, деган гап бор. Унинг болалиги ҳам бизникидан қийин кечган.

...Ўшанда пойтахтнинг Октябрь ноҳиясидаги 14-мактабнинг 7-синфида таҳсил кўрарди. Мамлакатда шум хабар тарқалди: уруш. Болалар орзусига дарз кетди, қувончлари синди. Товфиқ ака кўплар қатори Эски шаҳардаги босмахонага ишга кирди. Қўлда ҳарф терувчи бўлди.

Бир воқеа ҳалиям эсида. Ёшларнинг табиати ўзи шунақа, қизиқувчан. Ҳар нарсага «бурнини тиқишаверади». Товфиқ ҳарф териш машинаси бўш қолди дегунча ёнига бориб тугмачаларини босиб, шақиллатиб қоларди. Ҳатто бир сафар қайноқ суюқ металлни тўкиб юборганди. Яхшиямки ўзига ва бошқаларга зиён етмади. Соҳиб бу воқеадан анча ранжиди, пўписа қилди. Лекин барибир уни шогирдликка олди.

Мана бу воқеа юз берганда у етук бўлмаса-да, анча тажрибали машинада ҳарф терувчи эди. Шу важдан кўп хабарларни унга тердиришарди.

Бир куни «Қизил Ўзбекистон» рўзномаси котиби ярим тунда, яъни рўзнома саҳифаланиб бўлаётганда шоша-пиша расмий хабар кўтариб келиб қолди ва Товфиқдан териб беришни сўради, ўзи эса унинг олдида айтиб турди. Эртаси куни рўзнома босилиб чиққандан сўнг, калтакнинг бир учи Товфиққа ҳам тегди. Чунки куну-тун ишлаб чарчаганлиги сабаб хато ўтиб кетган эди. Лекин уч-тўрт кундан кейин эса уни котибнинг илтимосини қайтаролмади. Ана шунақа бизнинг қаҳрамон. Жуда кўнгилчан. Бироқ, вазиятни тўғри баҳолай олади. Кўнгилчанлигига ҳам шу сабаб.

Товфиқ ота 48 йиллик меҳнат фаолияти давомида қўлда, машинада ҳарф терувчи, смена мастери, катта мастер, цех бошлиғи ўринбосари бўлиб ишлади.

Мен одамлардан бир гап эшитгандим. Товфиқ ота бошлиқ ўринбосарлигида анча йил ишлаб, сўнг лавозимидан ўзи воз кечган экан. Суҳбатлашаётганда бунинг сабабини суриштирдим. Товфиқ ота мийиғида кулди ва хона эшигида турган калитнинг осилиб турган занжирини бир силтади-да, бармоғи билан кўрсатиб деди:

— Занжирнинг қуйи қисмини кўраяпсанми, бемалол, эркин ҳаракат қилаяпти. Энди юқорига — занжирнинг тутащган қисмига разм сол. Ҳаракати жуда қисқа-қисқа-а?

— Демак, эркинликни ёқтирасиз? Шунинг учун воз кечгансиз, шундайми?

— Ҳа, балли, одам қанча юқори лавозимга кўтарилгани сари ўз эркинлигидан маҳрум бўла боради. Эмин-эркин ишлаёлмайсан, чунки калит эшигининг ўша қисмини «қуюшқондан» чиқиб кетишига йўл қўймайди.

Товфиқ ота ўз ҳаётини шу фалсафа асосига қурган. Ҳозир цехда оморчи. Тағин йўламанг ёғли жойни топиб олибди-ку, деб. Йўқ, Қаҳрамонимиз унақа жойни ёқтирмайди. Бу ерда атиги ҳарфлар сақланади. Пенсияга чиққанига 7 йил бўлди. Енгилроқ, деб шу ишга кўчишган.

Тўғри, қарилик гаштини суриб, дам олиб ётмайдиганлар ҳам, дегувчилар ҳам топилади, мен учун оғир, ахир қандай қилиб уларни ташлаб кетаман. — дейди хаёлга чўмганча ота.

Дарҳақиқат, жамоангизни ҳеч қачон ташлаб кетманг. Улар бахтига соғ бўлинг.

А. СУЛТОНОВ.

* * *

СУРАТДА: Товфиқ ота касбдош ўғиллари Жамол ва Фахриддин билан.

Суратчи: **Муҳаммад АМИН.**

Хориждан хабарлар

ФОРС ҚЎРФАЗИДАГИ ВАЗИЯТ

ФОРС қўрфази зонасидаги ҳарбий-сиёсий танглики тинч йўл билан бартараф этиш умидлари кун сайин сўниб бормоқда. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг иқтисодий Қувайт давлатини босиб олган Ироққа қарши иқтисодий жазо чоралари қатъий риоя этилишини таъминлаш учун «кам куч» қўллаш мумкинлигини маъқуллови 665-қарорни қабул қилиши ҳам аҳволни енгиллаштирмади. Бағдод бу қарорга жавобан ўзи босиб олган мамлакатни Ироқнинг 19-вилояти деб эълон қилди, шу тариқа уни қўшиб олишни «қонунлаштирди». Араб давлатлари уюшмаси кенгашининг Қоҳирада ташқи ишлар вазирлари иштирокида ўтаётган шошилинч мажлиси аслида барбод бўлди. Бу мажлис бир неча бор кечиктирилди ва ниҳоят тўла бўлмаган таркибда ўтказилди. Ироқ режими вакиллари араб раҳбарларининг бундан олдинги олий даражадаги учрашувининг Бағдодни ўз қўшинларини Қувайтдан дарҳол олиб чиқиб кетишга даъват этган қарорини менсимаганларидек, Қоҳира кенгашини ҳам назар-писанд қилмадилар. БМТ Бош котиби Х. Перес де Куэльярнинг Иорданияда пойтахтида Ироқ ташқи ишлар вазири Тариқ Азиз билан музокаралари ҳам ҳеч қандай натижа бермади ва муроса учун бу кунги чоралар қўллашнинг кўпи ва ўҳариб турган бўлгани маълум бўлди.

Шундай қилиб, дипломатия соҳасидаги куч-ғайратлар муваффақиятсиз чиққанлигини ва араб сафларида ажралиш юз берганлигини қайд этишга тўғри келади. Мароқаш қироли Ҳасан II нинг гаплари башоратли бўлиб чиқди, у яқинда яна барқарорлик ва аҳиллик эришиш учун араб миллатига бутун бир авлод умри талаб қилинади, деган эди. Саудия шаҳзодаси Бандар бин Султон ал Сауд ҳам шундай фикрни айтди. Унинг фикрича, араблар дунёси бузилган, у парчаланиб кетган, бинобарин уни йиғиш жуда қийин бўлади. Фожиали гаплар бу.

Ўринли савол туғилади: юз берган вазиятдан қандай чиқиш мумкин? Америка маъмурияти иқтисодий жазо чоралари ва ҳарбий тазйиқ Ироқни чекинишга мажбур қилади, деб ҳисобламоқда. Бироқ бошқача бўлиши ҳам мумкин: мочор қолган Ироқ раҳбари юз берган аҳволдан чиқиш йўлини топа олмай аҳга хилоф ишга қадам қўйиши мумкин. У ҳолда нима бўлади? Ахир Ироқ қўлида энг замонавий қурол-яроғлар ва заҳарловчи моддалар бор.

Бағдод режими билан турли экстремист ташкилотлар ўртасидаги қалин алоқаларни ҳам унутмаслик керак. Масалан, таниқли террорчи Абу Нидал Саддам Ҳусайннинг меҳмондўстлигидан фойдаланмоқда. Ана шу Абу Нидалнинг жангарилари сўнгги ўн беш йил давомида бутун дунё бўйлаб қотилликлар содир этмоқда, портлашлари ташкил қилмоқда, тайёраларни ва гаровга одамларни ушлаб қолмоқда. Ироқ раҳбари ана шу соҳта инқилобчилар ёрдамидан фойдаланиш имкониятларига шама қилди.

Ғарбдаги ва араблардаги манбаларнинг далолат беришича, Ироқ махсус хизмат маҳкамалари фақат араб мамлакатларида эмас, Оврўпоганинг кўпгина мамлакатларида ва ривожланаётган мамлакатларда кенг илдиз отган тармоқларни вужудга келтирган. Бағдоднинг яширин операцияларидан айрим тарихий фош қилинди, холос. Бу операциялар асосан ядро қуроли ишлаб чиқариш технологиясини кўлга киритиш билан боғлиқ эди. Ироқнинг дўқ-пўписа қилиш воситалари аслаҳахонасини яқин вақт ичида химиявий қуроллар билан бир қаторда ядро қуроли ҳам тўлдиради, деб тахмин қилиш мумкин.

Саддам Ҳусайннинг холис ниятига умид қилиб бўлмайди. Ҳозирги тутаётган ишларига қараганда, Ироқ президенти ҳали узоқ савдолашади, бунинг учун қўлидаги имкониятларни пеш қилади. Саддам Ҳусайн АҚШ штаблари бошлиқлари қўмитасининг раиси генерал К. Пауэллнинг гапларига қараганда, «кўрқитиш ёрдамида ҳукмронлик қилаётган, келишмовчиликларни курол билан ҳал қилаётган ва босқинчилик билан яшаётган раҳбарларнинг рўйхатида энг сўнггиси бўлади», деб умид қилишига қолмоқда.

Форс қўрфазидаги воқеалар минтақавий можаролар тинчлик учун қанчалик хавфли эканлигидан яққол далолат бермоқда. Бу можароларни тезда бартараф этиш бутун инсониятнинг ҳаётий манфаатларига мос келади. Форс қўрфазида чўзилиб кетган можарога хотимаси қонли тус олишига йўл қўймаслик учун барча имкониятлардан фойдаланиш зарур.

Дмитрий ЗЕЛЕНИН.

(СИТА).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ВАШИНГТОН. АҚШ армияси ГФЖга шошилинч тарзда мурожаат этиб, ундан заҳарловчи кимёвий моддаларни аниқлайдиган асбоблар билан жиҳозланган разведкачи ҳарбий машиналардан 10 тасини беришни илтимос қилди. «Дифенс ньюс» рўзномасининг Пентагон вакилларининг айтганларига таяниб ёзишига қараганда, бу кимёвий, разведкачи ҳарбий машиналар ҳозирнинг ўзидаёқ Саудия Арабистонига қараб йўл тутган.

СОФИЯ. «Болгария яширин марказий инқилоб қўмитаси» деб аталган номаълум ташкилот БСП қароргоҳига ўт қўйилганлик учун масъулиятни ўз зиммасига олди, деб хабар қилди БТА ахборот агентлиги. Демократик кучлар оппозициячи уюшмасининг вакили Михаил Неделчевнинг журналистлар билан учрашувида шу нарса маълум бўлди.

ИСЛОМОБОД. Карочи шаҳрининг террорчиликка қарши кураш махсус суди шўро йўловчилари тушган ТУ-154 тайёрасини олиб қочган кишиларнинг қамоқда бўлиш муддатини 23 сентябргача узайтиришга қарор қилди, деб хабар беради «Доон» рўзномаси. Суд ўзининг бу қарорини Покистон тергов федерал агентлиги улар иши юзасидан олиб бораётган терговни тугатиш зарурлиги билан изоҳлади. Жиноятчиларнинг Шўро мамурларига топширишга тўғрисидаги масалани Покистон ҳукумати кейинроқ ҳал этади.

ПАРИЖ. Бу ерда, Елисей саройида Франция Президенти Франсуа Миттеран билан Иордания қироли Ҳусайн ўртасида бўлган учрашув Форс қўрфазидаги танглики бартараф этиш имкониятларини қидиришга бағишланган эди. Франция Президентининг расмий вакили суҳбат тугаганидан сўнг хабар қилишича қараганда, Ф. Миттеран Араб дунёси ўз кучи билан муаммони ҳал этиш йўлларини топишга қодир эмаслигидан афсусланганлигини билдирган. «Араблар ўзларининг муштарак йўлларини излаб кўришлари, Франция бундай ҳаракатни ёрдам берса, қўрсанд бўлади», — деди Президент учрашувда.



Ҳар йили ёз мавсумида Швейцарияда дунёга машҳур бўлган қатор ансамбллар ва қўшиқчилар иштирокида анъанавий байрамлар ўтказиш одат тусига кирди. Шунингдек, кўпгина чет эллардан ташриф буюрган сайёҳлар ўзларининг севган хонандаларни билан шу ерда учрашадилар.

СУРАТЛАРДА: исроиллик таниқли қўшиқчи Офра Хаза (юқорида) ҳамда америкалик рок қўшиқлари устаси Принцлар (пастда) Швейцария шаҳарларида ўтказилган фестивалларда.

(КЕЙСТОН — СИТА суратлари).



КУ-КЛУКС-КЛАН АЪЗОЛАРИ ФАОЛЛАШДИ

НЬЮ-ЙОРК, 4 сентябрь. (СИТА мухбири Сергей Кузнецов). Душанба куни Ку-Клукс-Клан аъзолари Жоржия штатида 1951 йилдан буён амал қилиб келаётган ва ирқчиларнинг шу экстремистик ташкилотига қарши қаратилган қонуннинг бекор қилинишини Американинг Гейнсвилл шаҳри кўчаларида юриш билан нишонладилар. Кланнинг бошлиқларидан 60 киши ўзлари кийиб ёпинадиган оқ-ёки кийимлари юзга яқин ҳимоя пардаси ҳисобланади. Уларнинг кўпчилиги 340 нафар полициячи ҳимоясида қуролланиб ва ниқобдан плакатларни силкитиб марказий кўчадан ўтишди. Кейин улар сержантларни ҳам ҳимоя қилишди. Клан аъзолари кейинги вақтларда фақат Жоржияда эмас, шу билан бирга бошқа штатларда ҳам ўз фаолиятларини анча фаоллаштирдилар. Техасда улар ўтган ҳафтада ўз нашрларининг ҳамоқхонадан тутқунлар орасидаги обуначиларга юбориш учун адлия рухсатини олишга муваффақ бўлишди. Бу нашрлар орасида «Негрлар хавфи» ва «Яҳудийлар хавфи» каби «маънодор» номлар қўйилган хабарномалар, шунингдек, «Ку-Клукс-Клан рицарлари янгиликлари» бор.

Саёҳатнома

Севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг ибораси билан айтганда, кўлмак сувда туғилган мавжудот учун уйи шу кўлмакдангина иборат. Мен хизмат юзасидан кўпдан-кўп хорижий эл меҳмонлари билан суҳбатда бўлганимда улардаги дунёқарашнинг кенглигига шоҳид бўлганман. Яна шу сабаб билан хорижий мамлакатларда бўлганимда Абдулла аканинг шу сўзларидан янгича маъно кашф этаман. Зеро, инсон онгининг ўсиши учун бошқа халқлар маданиятини, урф-одатини, турмуш тарзи ва меҳнатини ўз кўзи билан кўриш янги китоб ўқиб, ўз билимининг оширишдек бир гап бўлади. Чунки инсон уни билан олишнинг, ўрганишнинг айби йўқ, фақат сиз ўрганган нарсангиз эзгуликка, яхшиликка хизмат қилса, кишинин олу ёмонини ташла, деган ақидага амал қилинса бас.

Биз бир гуруҳ ўзбекистонлик сайёҳлар Японияда бўлиб қайтдик. Мен гуруҳ раҳбари ва таржимони эдим. Ҳамроҳларимни ҳар бири бу саёҳатдан ўзи учун ниманидир кашф этиб қайтганлигига шубҳасиз. Мен эса таржимон сифатида йиғирма йилдан ортиқ япон сайёҳлари билан бўлган суҳбатларим ва Японияда ўз кўзим билан кўрган айрим воқеа ва ҳодисалар ҳақида билганларимни сизларнинг мушоҳадаларингизга ҳавола этмоқчиман.

Халқ орасида: «Японлар ўзи қанақа халқ?» деган гаплар тез-тез қулоққа чалиниб туради. Албатта бунга бошли бир ҳақиқа бир жумла билан таъриф бериш қийин. Лекин улар ҳаётидан олинган айрим лавҳалар бу саволга қисман бўлсада, жавоб бўла ажаб эмас.

Аксарият японлар ишга кириши ўз ҳаётини шу ишхонага ўз умрига баъзи этишдиган. Зеро, ишхона улар учун таъбир дар бўлиб дарғоҳ ҳисобланади. Шу боис япон айлари ўзаро суҳбатда «худога шукр, менинг турмуш ўртоғим бизнинг уйда шунча йилдан буён (квартирада) жиҳозда турадир, деймаган экан. Сабаби: эрлар умрининг кўп қисмини ишда ўтказишади. Менга бир воқеани айтиб бердилар. Бир ходим олган бир юртмасини тезроқ бажариш учун бир неча ҳафта ишхонада ҳар куни 3-4 соатлаб вақтидан ортиқча ишлаб, бу ортиқини бажарибди. Бундан ишхонадаги бўлган бошлиқлар ходимга бир ҳафта қисқартирилган иш кунига рухсат берибди, тушдан кейин ишлашдан озод этибди. Учинчи куни уйга ишдан эрта қайтган турмуш ўртоғига хотини: «Болам кинотеатрга борасанми? Ресторан-барга борасанми, қаерга борсанг бор, лекин ишдан эрта қайтма, қўшнилар сени ишдан қувилибди деб ўйлашлари мумкин. Мен эса ҳаммасига тушунтиролмайман» — деган экан.

Учрашувларда ҳамроҳларимизнинг «Сизларда уйга ишга неча чақириш, банкада жазо берила-ди?» — деб сўрашса: кўп ҳоллар улар савол тушунмайди. Охири уларга тушунтирганимизда эса улар: «Ие, қиши ҳам ўз ишига кеч келадими?» — деб жавоб беришарди. Сифатсиз маҳсулот ҳақидаги саволимизни эса уларга умуман тушунтиролмадик. Тоқиода биз тушган кема кирпаб туриб, иччилик сув олаётганда шлангдан томчилаб сув оқиб тушди. Албатта сув оқиб турарганда 3 метр наридаги — денгизга тушади. Лекин ишчи сув томаётган ерга пақир қўйиб, ерда қўлмак ҳосил бўлишига йўл қўймади. Худди ана шу ерда биз хорижнинг энг жўнатилаётган «Мацда» машиналарининг кемага ортилаётганини кўрдик. Машиналар турган базадаги дарвозасини очиқ, атрофи сим тўр билан ўралган. Базада на бирорта қоровул, на ҳатто ҳеч кўриқловчи бошлиқ бор эди. (Маълумотларга қараганда, Японияда ҳар 1000 аҳолига 17, АҚШда — 82, Англияда — 109 бошлиқ тўғри келар экан). База билан кеманинг ораси тахминан 600 метр бор эди. Ҳамма ишчилар, машина ҳайдовчилари бир хил ҳаворанг форма кийишган. Уларни кемадан машиналар турган базагача ҳозир бизда ҳам пайдо бўлган 15 ўринли «Тойота» машинаси ташиб келарди. Ишчиларнинг машинадан машинага тушиш учун ичида тез адинки, бенхтайр биздаги ўт ўчирувчилар кабу ҳаракатланарди. «Мацда» машиналарининг эшикларини қулфланмаган, калитлари ҳам юргизиш учун тайёр ҳолда турарди. Улардан бирортаси ҳам бир учун меҳнатсеварлик ва шу учун бўлган меҳрга кишининг ҳаваси келади.

Японлардаги табиатга бўлган меҳрни, муносабатни тўсиқлар эмас, бу халққа бўлган меҳрим анда ошади. Биз Канадзава шаҳрининг истироҳат боғида шаҳарликлар ўз ердаги тозалиги, табиатга муҳаббатни кўриб оғиздаги ерда уларга таҳсин ўқимаган киши қолмади. Дарахтларнинг каттасидан кичигигача ҳар бир шохини махсус арқон билан тортиб боғлашган. Бу дарахт шохини ҳам бошқа ёки шамолда синишдан сақлаш экан.

Йўллар уч қаватли бўлиб, биринчи қаватда шаҳар транспорти, учинчи қаватда эса шаҳардан шаҳарга тезюрар машиналар юрар экан. Биз Токиодан Никко шаҳрига 170 километр йўлни 3 соатда босиб ўтдик. Шу масофада на бир кесишган йўл, на бир светофор ва на биронта транспорт полициясини кўрмадик. Лекин ҳар 30-50 километрда ҳайдовчимиз тўхтаб, йўл учун пул тўларди. Шунинг ҳам ойтиш керакки, йўлнинг пул тўланиши арзигулик даражада текис ва равон. Ҳар 10 километрда телефон бўлиб, керак бўлиб қолса автомобилларга хизмат кўрсатиш станцияларига телефон қилиш, хизмат буюриш мумкин. Тўхташ жойларида ҳайдовчилар учун ҳамма қулайликлар муҳайё. Ҳатто справочникларгача бор. Конституция бўйича Японияда эркак ва аёл ҳуқуқи тенг, лекин аксарият аёллар уй соҳибалари. Ишлашса ҳам то турмушга чиққунларгача, бева қолган қолганлар ёки болалари катта бўлгандан сўнггина ишлашар экан.

Кўпчилик япон аёлларининг асосий вазифаси — оилани бирини ао этиш ва уй юмушлари квадрат метр ер бир миллион иен турар экан. Болаларнинг эса қишлоқда совуққа чидашларини ўрганишар экан. Ҳатто биз борганда ҳаво анча совуқ, ерда қор бор эди. Шунда ҳам мактаб болалари оқ пайпоқ, қора шортик ва енгил камзулда юришарди. «Дисней ленд» номли 46 гектарли америкаликлар қурган ойкўлма бўлса юргайсимизда одамлар шу даражада тартиб-интизомли эдиларки, ўша куни 50 мингга яқин одам киришга қарамай, ҳеч қаерда ур-ур, сур-сур йўқ эди. Ҳамма ўзи тартиб-қоидага риоя қилиб, томошаларни навбат билан аста юриб борар кўришарди. Бу ерда шунча одам бўлишига қарамай, тартибга солувчи полициялар йўқ эди. Улар кўчаларда ҳам деярли кўринмайди. Ана шу томошагоҳда бирорта спиртли ичимлик ичган ёки тентираган одамни кўрмадик. Тиланчи деган нарса эса уларнинг тушунчаси учун умуман ёт. У ерда гап тозаликка тасанно айтмай иложингиз йўқ.

Мен умримнинг деярли 25 йилини хорижий саёҳатга бағишладим. Хорижий сайёҳларнинг Узбекистонга қизиқиши нақадар ортиқлигини яхши биламан. Ҳар йили жумҳуриятимизга неча юз минглаб сайёҳлар ташриф буюришади. Бундан келаётган даромад миллион-миллион, ҳозир ўлкамиз учун энг керак бўлган валюта ҳисобида экан. Бундан жумҳуриятимизга нима қолиши (агар қолса) ҳали бизга қоронғу. Ҳозир замонлар ҳам яхши томонга ўзгариб, музофот ўз-ўзини таъминлашга ўтилаётган бир пайтда туризмдан келадиган даромадни ҳам хўжасоблиқ асосида, жумҳуриятга тегишли валютани олиб қолиш пайти келмадиминкан? Еки хорижий давлатлар билан тўғридан-тўғри сайёҳлар айирбошлашни ташкил этсак бўлмасмикин. Чунки Японияга ташриф буюрган кўпдан-кўп хорижий саёҳат фирмалари вакилларининг фикри ҳам шунга бориб бевосита алоқа боғлаш, зеро, бу иқтисодий жиҳатдан ҳам ҳар икки томон учун ғоят қулайдир.

Моллар бир мартага, бир умрга ишлаб чиқарилади. Ҳар қандай ишлаб чиқарилган мол қанчалик сифатли бўлмасин 6 ойдан кейин такомиллаштирилиши шарт. Дўкон эса 6 ойдан кейин нарх 30 фоизгача ва ҳар бир ойда яна арзонлаштирилади.

Японларнинг жуда кўп урф-одатлари биз ўзбекларга ўхшаб кетади. Улар ҳам уйда, ерда чордона қуриб ҳонтахта атрофида ўтиришади. Таомни қўлда ва махсус чўп билан тановул қилишади. Хатто токии, уларда «каттақу» деб аталувчи сандал ҳам бор. Боболаримиз айтган «бошингни совуқ, оёғингни иссиқ тут» — деган нақлга амал қилишади. Ахир улуғ бобомиз Алишер Навоий «Кимки олмаса адабдан таълим, унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим» — деб бежиз айтмаганлар. Бу гапларни ёзишдан мақсад хорижий мамлакатлар ҳаётидан ибратли томонларини тарғиб қилиш. Фикримизча ҳам, Ироқ, ҳам Японияда илмий-тажрибалар бўйича ўз халқига таълим бериш бўйича, йироқ-йироқлардаги кўп соҳа жумҳуриятимиз учун ўзига хос қирраларига эгадир.

Хулоса қилиб айтганда, бошқа жумҳуриятлардан ва хорижий мамлакатларга ҳам имконий кўпроқ одам юбориб, ёшларни хорижий ўлкаларда тажриба ўрганишимиз кенгроқ йўлга қўйиш пайти келди. Ахир улуғ бобомиз Алишер Навоий «Кимки олмаса адабдан таълим, унга таълим бермас ҳеч бир муаллим» — деб бежиз айтмаганлар. Бу гапларни ёзишдан мақсад хорижий мамлакатларга таълим учун эмас, балки улар ҳаётидан ибрат олиш, илмий-текширишни институтларида, ахборот марказларида, шунингдек, махсус корпорацияларда ишлатишга мўлжалланган. Унинг биринчи туркуми кейинги йил бахоридан сотувга чиқарилади. Баҳоси эса 50 дан 290 миллион иенгача бўлиши белгиланмоқда.

Зеро, туризмнинг асосий шиори ҳам «Туризм — тинчликка йўл» демакдир.

Ингизали УСМОНОВ,
«Интуристнинг Фарғона бўлими бошқарувчиси.

ТУРИЗМ — ТИНЧЛИККА ЙЎЛ

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

БИР ДАҚИҚАДА ЯРИМ МИЛЛИАРД

● ЯПОНИЯНИНГ «Ниппон дэнки» фирмаси дунёда энг тез иш бажарадиган суперкомпьютер ишлаб чиқилди. У бир дақиқа (секунд)да ярим миллиард иш мажаларини бажара олади.

Бу электрон ҳисоблаш машинаси банк тармоқларида, илмий-текшириш институтларида, ахборот марказларида, шунингдек, махсус корпорацияларда ишлатишга мўлжалланган. Унинг биринчи туркуми кейинги йил баҳоридан сотувга чиқарилади. Баҳоси эса 50 дан 290 миллион иенгача бўлиши белгиланмоқда.

АВТОМОБИЛИ... ЭСИДАН ЧИҚИБДИ

● БУ ДУНЁДА фаромушхотир инсонлар ҳам кўп. Лекин Чехословакиянинг «Млада фронта» рўзномасида таъкидлашларича, бу борада Ғарбий Германиянинг Дармштадт шаҳрида яшовчи 80 ёшли қария етадигани йўқ экан.

У аввалига ўзининг 45 минг маркали автомобилини ўғирлаб кетишди, деб жар солди. Кейин етти ҳафтагача шу хаёлда юрди. Сўнг эса ҳаммаси эсига тушди: ўшал кўйиб кўрса... Франкфурт-Майн шаҳрига пуллик тўхташ жойида унутиб қўйибди.

КУЗОЙНАК ҚАНЧА ТУРАДИ!

● ГАРБИЙ Германиянинг «Картье» фирмаси дунёда энг қиммат бўлган кўзойнакни сотувга чиқарди. Қимматлилигига сабаб у олтин ва платинадан тайёрланган бўлиб, бриллиант ва зумраддан нақшлар ясалиб, безатилган. Шунинг учун баҳоси 81 минг марка қилиб белгиланди.

КАПТАРЛАРНИ ЧУЧИТИШ УЧУН

● АМЕРИКАНИНГ Оклахома-Сити шаҳридаги мавзе суди биноси томида юзлаб ҳар хил илонларни учратиш мумкин. Лекин улардан одамлар қўрқишмайди. Чунки барча илонлар сунъий. Уларнинг вазифаси фақат каптарларни чўчитиш, яъни томга қўндирмаслик.

БИР ЁНҒОҚНИНГ ИККИ ПАЛЛАСИ

1

Ёнғоқ саралаётган эдик. Биттасини олиб чақдик. Бир палласининг мағзи тўлиқ, иккинчисиники эса пуч чиқди. Хаёлларим узоққа кетди. Бир ёнғоқнинг икки палласи — икки тақдир. Аввал Ҳамдам акани, кейин Қудратни эсладим...

Бола хомуш эди. У нимаанидир айтолмай қийналарди. Остонага етгач деди:

— Мабодо, мақола ёзмоқчи бўлсангиз, исмимни тилга олманг!

Қарашимда «Нега?» — деган савол аломатининг зоҳир бўлганини кўриб, танасини зиркиратаётган дардчил сўзни қўшимча қилди:

— Мен ундай отадан ор қиламан. Номини тилга олгим келмайди.

Наҳотки!...

«Наҳотки» оғриқлар силсиласи юракни қақшатиб, сирғалиб ўтди. Минг ёмон бўлса ҳам, унга ҳаёт бахш этган ота эди-ку! Нечун, уни бунчалик ёмон кўради? Ҳатто исмининг ҳам тилга олишни истамаётибди.

Бувисининг дардчил сўзларини қайта эсладим. «Шу неварам тамом ўзгача. Камгап. Ёлғизликни ёқтиради». Демак, шу дард унинг юрагини ўртайди: отасининг қилмишларини кечиролмаса керак.

* * *

Ҳамдам ака ёмғир шивалаётган совуқ куз кунида, бизга иссиқ уйининг тўрини берган инсон. Қудратга ўхшаб, ҳаётида муҳим бурилиш ясаганида, бугун у ҳам ортиқа назар ташлаб, афсусланмаган, бугунги бахтидан қувонган бўлармиди?!

Эсимда.

Жиззах чўллари. Совуқ қиш куни. Ерлар оппоқ. Елкаларда жиққа хўл этак. Ит ўлу, эшак ўли, нормани бажар. Фалон кило пахта термасанг кечқурун «штаб»да насибангни оласан.

— Ҳов, биродар, эшитдингми?! — дейди ҳамхона толиб.

— Нимани?

— Ҳамдам ака ўлибди.

Юракка оғриқ киради. Эҳ, бечора, охир... Совуқ хабарнинг давоми янада аянчли:

— У сизлар пахтага жўнаган оқшом ўлган. Ичиб, кўчада қор остида қолган экан. Ҳали сизларни-ям сўроққа чақиришмасайди.

Балки, шундай бўлар. Тухматга учрамасайдик ҳали! Кун бўйи шу хаёлда юрамиз, табъимиз хира, кўнглига чироқ ёқса, ёришмайди.

Ўша оқшом Ҳамдам ака шеригимдан беш сўм қарз олганди. Кечаси уйига қайтмади. Биз бирор жойда тунаб қолган бўлса керак, деган тахминга боргандик. Ичган экан-да.

Уникига кўчиб келганимизда, тўрт хонали кенг уй, катта ҳовли тамом хароба ҳолда эди. Уч кун супуриб-сидирдик, ахлат ташидик. Полларни сунъий совун билан ювдик, артдик. Ҳамдам ака ҳар оқшом ичиб-сасиб келарди. Бир марта жойига қусиб, кўрпа-ёстиқни расво қилди. Эртаси туни кир ювди. Эркак киши, кап-катта одамнинг кир ювиши ғалати туюларкан. «Бошларингга бундай кун тушмасин, йигитлар!» — деди у биздан уялган бўлиб. Ўша оқшом уни ўртага олдик. Тушунтирдик, ёлвордик. «Йўқ-ди, йигитлар, ичмасликка сўз бераман», — деди. Шундан бери у ичмаётганди. Ҳатто ишга ҳам жойлашган, кундан-кунга асл инсон қиёфасига кираётгандек эди назаримизда. Бундан биз хурсанд эдик. Адашган инсонни ҳаётга қайтариш аввалимбор савоб, хайрли иш. Олий даргоҳни битиргунча, унинг туриш-турмушини тамомман тиклаймиз, деган умидда юрардик.

Уни ҳеч ким йўқлаб келмасди. Ота-онаси, ҳатто қариндош уруғлари борлигини ишонмасдик. Ўзи ҳам бу ҳақда гап очишни хоҳламасди. Гоҳ-гоҳида: «Суянчиғинг бўлмаса қийин, жуда қийин, йигитлар», — деб қўярди кўрсиниб. Демак, ҳеч ким йўқ, деб ўйлардик.

Шуларни ёзаяпман-у, хаёлим узоқ Сурхонда. Шеробод деган юртда бир танти йигит яшайди. Исми — Қудрат! Республика ёшлари газетасида у ҳақида «у ёшлигидан шу касбга меҳр қўйганди», деб ёзиш урф эди бир пайтлар, ҳаётимиз «қизил гаплар»га тўла бўлган ғайритабиий кунларда. Лекин ёшлигидан бир касбнинг орқасидан югурган, елган кишининг борлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Бундайлар йўқ эмас, бор эди. Кисмат кўйи тиғлари остида тобланиб, вояга етган, бироз соддадил, доимо хушчақчақликни ўзига раво кўрувчи, мўминкўнгил йигит Қудрат-чи? У ҳам ёшлигиданоқ кулолчи рассом бўламан, дея аҳд қилганмиди? Шу орзу, шу истакни кўнглига туккандмиди?

— Альбоминг қани? — сўради ўқитувчиси.

«Йўқ» деган жавобни эшитгач, жаҳли чиқди:

— Нега йўқ? Нима учун? Қаламинг-чи?

— Йўқ.

— Қачон сотиб оласан?

Қайсар Қудрат индамай тураверади.

...Кейинги дарсларда ҳам шу ҳолат такрорланади.

— Баҳонг бир! Эшитдингми, бир! — тутоқади ўқитувчи.

Қудрат беписанд, бепарво боқади. Бир баҳо қўйса-қўйибди-да. Осмон узилиб ерга тушгани йўқ-ку! Математика, физика дарслари бўлганида бошқа гап эди. Лекин жуда кўп ўқувчиларнинг айнан расм дарсига ўлгудай қизиқишлари уни лол қолдирарди. Нимасига қизиқишаркин шу дарснинг!

Бир куни ўқитувчи уни дарсга киритмади.

— Альбом топиб келмагунингча, қорангни кўрсатма, — деди у.

Қайсар бола ўз билганидан қайтармиди. Навбатдаги дарсга у яна альбомсиз келди. Ўқитувчи уни сўроққа тутди. Синф жим. Ҳамманинг нигоҳида бир хил савол: қани, нима бўларкин?

Жиғибийрон бўлган пайтда ўқитувчи қандай йўл тутиши керак? Ношуд ва қайсар ўқувчига сабоқ бўларли қандай чорани қўлламоқ лозим? Шундай пайтларда шошқолоқлигимиз панд беради.

— Альбоминг қани? Сендан сўраяпман.

Партадан, девордан садо чиқди. Қудрат эса ҳайкалга айланганди.

— Қанақа, боласан ўзи? Тушунасанми, йўқми?

Ўқитувчининг қўл кўтаришини кутмаганди. Деворга бориб урилди. Боши ва бўйнида оғриқ турди. Нега урди? Нимага? Қудрат ҳали кўп нарсани тушунмасди. Шу билан бир қаторда ўзининг ноҳақлигини тан олишни ҳам истамасди. Ҳозир ўша кунлардаги қайсарлигини эсласа, Қудрат уялади. Ўқитувчи унга ёмонликни раво кўрганда, индамасди. Астойдил куйинганидан, унинг келажагини ўйлаганидан бўлса керак шунчаликка боргани! Мана шу ҳақиқатни кеч, жуда кеч тушунгани учун ҳали-ҳануз армон қилади.

...Уч кунгача бўйни қийшайиб юрди. Уйдагилари нима бўлди, деб сўраб-суриштирганида, сирни ошкор этишни хоҳламади. Бўйним оғрияпти, деб қўйди, холос. Лекин ичида ўқитувчини бўралаб сўкди. Унинг қаттиқ қаҳри келганди.

Кўчада ўртоғи билан суҳбатлашиб ўтирганди, ўқитувчиси ўтиб қолди. Қудрат салом бериш у ёқда турсин, унга бурилиб ҳам қарамади.

— Эшитдингми?

— Нимани? — бепарво сўради Қудрат.

— Сени уриб, бўйнингни қийшайтирганди, жазосини олибди: боласи ўлибди.

Бу совуқ гапни ўқитувчи ҳам эшитди. Эшитди-ю, ялт этиб орқасига қаради: кўзлари жиққа ёш эди. Қудрат буни аниқ кўрди. Жовдираган, изтироб ёши тўла ўша кўзларни у ҳамон унутолмайди. Бир бегуноҳ гўдакнинг заволига қолдим, деб ку-

2

йинади, изтироб чекади. Нега унга қаҳр қилдим, тўнимни тескари кийдим, деб ўзини қоралайди.

Бу олам нақадар сирли. Яратган олий дурдона мўъжизаси — инсон, унинг ҳаёти, туриш-турмуши турли зиддиятлар-у, сирли ҳодисаларга тўла. Билиб туриб, гуноҳларга ботамиз. Минг яшириб, ими-жимида қора иш қилсак ҳам, беиз кетмайди: бир кун тешиб чиқади. Бошимиз деворга қаттиқ урилгандан сўнггина «беҳуда шу ишга қўл урдим», деймиз. Гоҳида «Эҳ, хом сут эмган банда» деб ўзимизни қоралаймиз. Кунлар ўтади. Дардни унутамиз. Яна билганимиздан қолмаймиз. Биз ақлли деймиз-у, фаҳмсизлигимизни тан олмаймиз. Инсон ҳаёти шундай бўлиб келяпти. Шундай бўлиб қолармикин? Ёки бир кун келиб келажак кишилари бизнинг устимиздан кулишармикин? Ибтидоий жамоа даврида бир қабиладан иккинчи қабилага асир тушган кишининг гўштини ейишган, десак, улар онгсиз бўлишган, деб куламиз-у, ахир!

Қудрат ҳаётнинг бугуни-эртасини, одамларнинг чигал тақдирларини, турмуш сир-асрорларини ўйлаган, мулоҳаза қилган сайин ғамгин бўла борди. Ўқитувчининг синиқ, захил юзига боққан кезларида, ич-ичидан эзилиб кетарди.

Бир куни кутилмаган воқеа содир бўлди.

— Қудрат!

Таниш овоз уни чўчитиб юборди. Ердан бошини кўтарди: қаршисида ўқитувчиси турарди. Юз-кўзида бир олам изтироб.

— Кечир, Қудратжон! — деди у. — Хатога йўл қўяётганингни, гулдек умрингнинг олтин дақиқаларини беҳуда елларга совураётганингни бошқачароқ тушунтиришим керак эди. Кечир, ука, айб менда!

Қудрат лол қолди. Ўртоғи, тенгдоши эмас, ўқитувчиси, дунёни танитган инсон ундан кечирим сўраяпти. Яхши инсонгина мана шундай олижаноб бўлади. Шоҳ бўлса-да, ҳаттоки гадонинг ҳам дилини оғритишни истамайди.

Қудратнинг лол қолганича бор эди. Меҳр-оқибат анқонинг уруғига айланаётган, дунё пул, бойликка, алдамчилик, кўзбойламачилик, риёкорликка сотилаётган ўша кунларда бу камдан-кам учрайдиган ҳодиса эди. Ёшгина бола, қалтис ҳаёт муҳитида ўсаётган Қудрат ҳали бундай тасодифлар юз беришини тасаввурига сиғдиролмасди. Ўқитувчисининг заъфарон юзига, букилган қаддига ҳар гал кўзи тушганда, изтироб ўтида ўртанадиган бўлди. Суяги қотмаган бола учун бу азоб, машаққат эди. Кун, ойлар ўтиб бўйнининг қийшиқлиги тузалди, оғриқ унутилди. Аммо танасини сирқиратган ана шу дард, шу азоб юрак деворида мангу чандиққа айланди.

Энди Қудрат фақат битта нарсани — яхши ўқиш, одоби-ахлоқи билан ўқитувчисининг назарига тушишни ва уни хурсанд этишни ўйларди. Юракда бир нима бўлса, ташқари чиқар экан. Альбом ҳам, турли қаламлар ҳам — ҳамма нарса сотиб олди. Расм дарсларини чанқоқлик билан кутарди. Ўзбек миллий нақшларини ўрганиш, турли хил расмлар чизиш унинг доимий машғулотига айланди. Дарсдан сўнг ноҳия кашшофлар уйига қатнай бошлади. Хоналар совуқ эди. У телпагининг қулоқларини тушириб, совуқдан қалтираётган қўлларини кух-кухлаб, расм чизарди.

— Зарил кептими сенга, шундай совуқда жонингни қийнаш?! — дейишарди унинг аҳволини кўриб раҳми келганлар.

У парво қилмас, ўқитувчисини хурсанд қилмагунча, ҳеч нарсадан қайтмаслигини биларди.

Унинг қобилияти тез кўзга ташланди. Кўплар ундан ажойиб рассом чиқишини башорат қилдилар.

Қудрат виждони тоза, поклиги туфайли орзусига эришди, десак хато бўлмас.

Тошкент Давлат хорижий тиллар институти толиби бўлганини у тушдек эслайди. Бу қандай рўй берди? Қайси йўл билан бу даргоҳга келиб қолди? Хаёли кетдими ёки ўзи хорижий тилларни ўрганишни ёқтирар, шу соҳа мутахассиси бўлишни хоҳлармиди? Ҳозир бу ҳақда эсласа, гоҳ кулади, гоҳ куйинади.

Сентябрь ойида, дарсларнинг бирида маъруза қилгани кирган ўқитувчи айнан унинг кўнглидаги гапни айтди: «Педагог бўлиш оғир. Ораларингда адашиб келиб қолганлар бўлса, ўйлаб кўришсин. Ҳали-ям, кеч эмас». Қудрат институтни ташлаб кетишга ҳаракат қилди. Аммо ҳали у ўз фикрида қатъий эмас, бундай ишга қўл уришга журъат ҳам етмасди.

Орадан тўрт йил ўтди. Толиблик ҳаёти унга кўп нарсани ўргатди. Юрагини кемириб келаётган оғриқдан қутилмаса, тинчимаслигини аниқ ҳис этди. Институтни битириб, мактабга борди дейлик. Юраги муз. Касбига қизиқмайди, бу ҳолатда ўқувчиларга қандай билим беради? Уларни қандай алдайди?

Охири, у институтни ташлади. Ношуд, тайинсиз экан, деган дашном эшитиши аниқ эди. Бу унга аён. Лекин бошқа томондан кўнгли хотиржам бўлди: виждонига қараб иш тутди. Йигит кишига унча-мунча қийинчилик писанд эмас. Насиб бўлса, йўлини топади. Мана шу ишонч унга таскин берарди.

* * *

—Менга асло ўхшаманглар, йигитлар, — дер эди гоҳо Ҳамдам ака. — Ўтган кунларимни эсласам, кўнглимга таскин берадиган ҳеч нима йўқ. Ҳатто бирор кишига яхшилик ҳам қилмабман. Ҳеч бўлмаганда, шу хайрли ишимни эслаб, таскин топармидим балки?

Шундай пайтларда у юрагини чангалларди...

Ҳикоя қилиб беришича, аввал қурилишда ишлаган, ҳалол топганини еб-ичиб, тинч, хотиржам ҳаёт кечириб юрган. «Ўша пайтларда кўп топмаганман. Лекин топган сариқ чақам ҳам хўжаликка барака киритарди, —дер эди у.—Инсон ҳаром топиш-тутиши билан муроду мақсадига етолмас экан».

Дунёни у кеч таниди. Ҳамма фожиа шунда. Эндиги афсуслар — сароб, пушаймонлар — душман.

Ўшанда нима етмасди унга? Гулдек хотини, бола-чақа, уйи, ажойиб дўстлари ҳам бор эди. Бир куни, тўғрироғи, қурувчилар байрамида кўпроқ ичиб қўйди. Эртаси ўртоқлари уни роса койишди. «Эллик, юз грамм дебдилар. Хурмачага сиққунча ичаман деб, шарманда бўлиш шартми? Яхши эмас бу одат!» дейишди. Ўшанда ҳам дўстона маслаҳатдан тўғри хулоса чиқаролмади. Қайтага буни ҳақорат деб тушунди.

Балки синфдош дўстини учратиб қолмаганда, издан чиқиб кетмасмиди? Яна ким билади, дейсиз. Тақдирга ҳам ҳеч нарса деб бўлмайди.

Дўсти қўярда-қўймай уйига олиб борди. Кенг ҳовли, ундаги майин шовуллаб отилиб турган шаррора, чўғдек гилам солинган, биллур қандиллар осилган, бахмал пардали хоналар, ялтур-юлтур чинни идишлар унинг тинч қалбини остин-устун қилиб ташлади. Ана яшаш-у, мана яшаш. Бунинг олдида унинг ҳаёти жуда хира, кўримсиз, бечораҳол. Қандай ёмон-а!

Кечқурун уйига ғирт маст ҳолда қайтди. Айтинг-чи, эри сасиб келса, қайси аёл чидайди?

— Бу қандай қилиқ? — деди хотини жиғибийрони чиқиб. — У куни ҳам ичиб келгандингиз. Янги одатга...

— Овозингни ўчир! — бақирди Ҳамдам ака. — Ишинг бўлмасин.

Хотинининг қовоғи уйилди. У эридан бу гапни кутмаганди. Ёмон бўлинг, дегани йўқ-ку! Бир оғиз гапга шунчаликми?!

Кунлар ўтди.

Ҳамдам ака ишини ўзгартирди. У янги иш жойидан, янги танишларидан, хурсанд эди. «Нодон эканман, — дея ўйга чўмарди гоҳо. — Қурилишда тинкани қуритиб юргандан кўра, сал олдинроқ шу ёққа ишга ўтиш керак экан. Ҳали-ям, ёмон

3

бўлмади. Мана, роҳатижон. Топар-тутиши кўнгилдагидек, жойида».

Бир куни камёб молни очиқча сотаётганда, ҳамкасбларидан эшитадиганини эшитди:

— Ҳов, бундай қилманг, косангизнинг таги оқармайди. Бунақа моллар «подприлавка» остидан «шляпаси» билан сотилади.

Аввалига кўникишни бўйнига олмаганди, мана шундай бир-икки даккидашном эшитгандан кейин билдики, бу одатга ўрганмаса, ҳақиқатан ҳам косасининг таги оқармайди. Дастлабки пайтларда «клиент»ларига камёб молларни «шляпа» билан пуллаётганда, кўзларини ерга қадар, тик боқишга уяларди. Одамни муҳит бузади. У ҳамма қонун-қоидаларни тез ўзлаштира борди. Ва, охири, бундай муҳит таъсири остида ҳеч нимадан уялмайдиган, ҳеч нимадан тортинмайдиган «безбет»га айланди. Энди у буқаламундек, минг хил тусда товлана олар, кези келганда, ёлғонни ҳам қотириб ташлашга қурби етарди.

...Ҳамдам ака кетма-кет чекади, уй тутунга тўлган, ёқимсиз ҳид кўнгилни айнитади.

— Муттаҳам кимсага айланиб қолгандим, — дейди у юрагини чангаллаб. — Ўзимни шунчалик тез расво одамга айланишимни кутмагандим. Гоҳида инсон ўзига ҳам тушунмайди. Бу ниманинг таъсири? Жамиятнингми? Ёки нодонлигинг оқибатими? Билмадим. Бунга ақлим етмайди.

Бир дўстимни хафа қилганман. Унинг ҳақорати ҳалиям қулоқларим остида.

Ҳамдам ака ҳамтовоқлари билан камёб молни савдолашиб турганда, қурувчи дўсти келиб қолади. «Менга ҳам ўшандан битта керак», — дея илтимос қилади ҳадди сиғиб. Ҳамдам ака дарҳол тўнини тескари кияди. Ҳали бунақа мол келмаганлигини, бу ҳақда шунчаки гапириб туришганини айтади. Қурувчи йигит кўр эмасди, ҳаммасини ўз кўзи билан кўриб турганди: у кар ҳам эмасди, айнан шу мол ҳақида савдолашаётганини эшитганди.

— Илтимос, акажон! — ёлворди у.

Харидорнинг ҳеч қачон кўнглини қолдирмаслик лозим. Уларга қанчалик юмшоқ гапирсанг, шунчалик яхши. Қурувчи йигитга ўхшаган танишларнинг турган-битганлари кони зиён. «Шляпа» ҳақини ё беришади, ё йўқ. Бунақаларнинг кўнглини пуч ёнғоққа тўлдириб, қайтариб юбормоқ даркор. Ёки «кейинроқ учрашинг» деган усул ҳам бор. Ҳамдам ака мана шу усулни қўллади:

— Уч-тўрт кундан кейин хабар олинг!

Қурувчи йигитнинг жаҳли бурнининг устида экан.

— Сатқаи одам кетинг! Бузилган у, деганларига ишонмагандим. Рост экан, — деди-да эшикни қарс ёпиб, чиқиб кетди.

Ҳамдам ака ҳамтовоғига деди:

— Илтимосини бажо келтирсанг, орқангдан сасишади булар.

— Қўяверинг, ука, харидорнинг ҳам ҳар хили бўлади... Қанчадан бўлади «шляпаси»?

Ҳамдам ака оғзига келганини қайтармади:

— Ўттиздан!

— Ўттиздан? Сал инсоф қилинг-да!

Ҳамдам ака унинг гапини чўрт кесди:

— Олсангиз шу, ака! Сиздан бошқа тўрт-бештаси ҳам орқамдан юрибди.

Кечқурун уйига маст ҳолда қайтди.

— Сизга нима бўлди, дадаси? — деди хотини унинг оқарган юзига ачиниб қараб. — Бунақада ўзингизни ўзингиз хароб қиласиз-ку!

Ҳамдам ака хотин эрнинг топиб келганига шукр қилиб, рўзғорни эпақага келтириб юрса бўлди, унинг қачон келиш-келмаслиги-ю, ичиш-ичмаслиги билан иши бўлмаслиги керак, деб ҳисобларди. Шунинг учун ҳам хотинининг «тўйдан олдин ноғора чертиши» унга қаттиқ ботди.

— Еганинг олдингда, емаганинг кетингда бўлса, яна нима керак сенга! — дея ўшқирди. — Ёки кўнглингдагини тополмаяпманми? Мана бўлмаса! — Чўнтагидан бир даста пул чиқариб, унинг юзига отди. — Минғирлама иккинчи!

Мўмай пул ўзини қайириб босмаган ҳар қандай эркакни тез издан чиқаради. Ҳамдам аканинг хотини унчалик чиройли эмасди. Қаёққа қараган эканман, дер эди гоҳо ич-ичидан куюниб. Ёнингда олиб юрганинг ойдек ёниб турмаса, бу дунёда нима иш қилиб юрибсан.

Охири, у шундайини топди. Гўзал ҳусн унинг фикри-ўйини, бутун борлиғини, меҳрини ўғирлади. Улар тез-тез учрашиб турадиган бўлишди. Дилбар ясан-тусанга ўч аёл экан. Ҳамдам ака унинг бу одатини ёмонга йўймади. Хотин-халажнинг ўзи шунақа бўлади, деб қўя қолди.

Уйига маст ҳолда борган чоғларида, хотини оғиз очган заҳоти: «Йўқол кетавер, кўзимга кўринма!»—дейдиган одат чиқарди. Гоҳо уни калтаклашдан ҳам қайтмади. Муштипар аёлнинг паймонаси тўлди. Индамай чиқиб кетди. Шу кетганича қайтмади. Ҳамдам ака ҳам йўқлаб бормади. Ажрашиш ҳақида судга ариза берди. Нуроний отахонлар орага тушишди. У маслаҳат, таклифларни ўйламай-нетмай рад этди. Ажрим бўладиган куни хотини кўзига ёш олди. Ўғли билан қизи чирқираб йиғлади. У бир чеккада юзини буриб, тик турарди. «Ҳамма лаш-лушингни ол!»— деди у. — «У нарсам йўқ, буниси қолибди, дея судлашиб юрмайсан кейин».

Дарвоза олдида турган қўшни кампир унга: «Ҳали ҳам кеч эмас, ўғлим, болаларингни тирик етим қилма», деди насиҳатомуз оҳангда. Ҳамдам ака қўни-қўшнини тамом унутган, улар билан борди-келдиси йўқ эди. «Сизни нима ишингиз бор» дея кампирни жеркиб ташлади. Бошқалар бир нима дейишга иккиланиб қолишди.

Олти ойдан сўнг бу ҳовлида дабдабали тўй бўлди. Ноғора-ю сурнайларнинг тинимсиз «сайраши»дан етти маҳалла аҳлининг қулоғи қоматга келди. Номдор артистлар даврани қизитишди. Тўйга ташриф буюрувчиларнинг сон-саноғи йўқ, Ҳамдам ака ўн саккиз яшар йигитдай оғзи қулоғида, қўли — олти, оёғи — етти, елиб-югуриб чарчамасди. У бахтидан мамнун эди, «мана энди ниятимга эришдим», деб ўйларди. Афсуски, буларнинг ҳаммаси бевақт келган бахт—сароб эканлигини хаёлига ҳам келтирмасди.

Ўша йилнинг ўзида эскиларини бузиб, янги данғиллама уй қуришди. Сал вақтдан кейин машиналик бўлишди. Гараж қуришга дарвоза ёнидаги жой торлик қилганда, ой юзли Дилбархон ўртага тушиб, қўшнини кўндирди: тўрт юз сўмга 3 метр жойни сотиб олишди. Нима исташса, ҳаммасига эришишди. Ҳамдам ака бахт мана бундай бўлибди-да, дея терисига сиғмади.

Аста-секин Ҳамдам ака Дилбархон чизиғидан чиқмайдиган «хотин қули»га айланди. Унинг йўл-йўриғи билан ўзига «беш-олти» ҳамтовоқ топди. Камёб молларни ўшалар орқали пуллайдиган бўлишди. Шундан сўнг мўмай пул сувдек текин оқиб келаверди.

Дилбархон ҳар куни ишдан вақтлироқ келиб, уни ясанган-тусанган, пардоз-андоз қилиб, гулдек очилган ҳолатда кутиб олишни одат қилди. Пазандаликка ҳам унча-мунча уқуви бор эди. Ҳатто ичишдан ҳам тортинмасди. Ишқилиб, у Ҳамдам ака истагандек аёл эди...

* * *

Қудрат эса Шерободга қайтиб борган, энг мусибатли, азобли кунларни бошидан кечирмоқда эди. Институтни ташлаб келгани учун уйдагилар уни нохуш кутиб олишди, акасидан эса эшитадиганини эшитди:

— Энди, болакай, Шерободдан бир қадам ҳам нари чиқмайсан! — деди аччиқланиб.

Ўртоқлари орасида уни кўрди, дегунча юзини тескари ўгириб кетадиганлари ҳам топилди.

Чоллар:

— Яхши иш қилмабди, боласи тушмагур! — дея бошларини сарак-сарак қилишди.

Кампирлар билганларича бичиб-тўқишди.

Қизлар уни ношудликда айблашди. Институтдан ҳайдалибди, деган гаплар ҳам қулоққа чалинди.

— Энди у одам бўлмайди!

Қудрат бу гапни ўз қулоғи билан эшитди. Эшитди-ю, дўл остида қолган йўловчидек, дир-дир титради. Унинг қўллари мушт тугилди, аламли кўзлари кўкка қадалди. «Одам бўлишим керак. Одам!» Ёлғизлик —ҳаммадан ортда қолиш, тубанликка кетиш дегани. Дўсту ёрдан, ҳамдард-у ҳамфикрдан ажралиб қолган Қудрат ўзини ғариб сеза бошлади. Кенг ўрмонда адашган кишидек, анчагача йўлини тополмай тентираб юрди. Бир йил савдода ишлади. Бу соҳада унинг умуман уқуви йўқ эди: ҳисобда доимо адашар, гоҳида харидорга ортиқча қайтарарди. Жаҳл қилгудек бўлса, ҳисоб-китобни қисқа фурсатда ўрганиб олишга қурби етарди. Аммо унда савдода ишлашга ҳам хоҳиш-ирода йўқ эди. Умуман, арқоннинг узуни, гапнинг қисқаси яхши, деганларидек, у анча жабр чекди, руҳан эзилди, умидсизликка тушган кунлари ҳам бўлди. Лекин, яхши томони шу эдики, иродасини қўлга олиб, куч-қувватини мақсад чизиғи томон йўналтира олди. Ҳамма адашганлар ҳам, бунинг уддасидан чиқишолмайди. Бу унинг биринчи ва энг катта ютуғи эди.

Қудрат Шеробод кулол буюмлари заводига ишга кирди. Бўш вақтларида гилтупроқдан митти шакллар ясарди. Ўзбек кулолчилик санъатида янги истеъдод намоён бўлаётганди. Лекин дастлабки пайтларда унинг моҳиятига тушуниб етмадилар. Сўзимизнинг исботи учун биргина мисол келтирайлик. Қудрат Москвада ўтадиган ёшлар ва талабаларнинг XII Жаҳон фестивалига бағишлаб, нафис кулол шакллар яратди. Лекин Сурхондарё вилояти комсомол қўмитаси масъуллари нафис санъатнинг ўзига хослик томонларини илғай олишмади. Делегат йигит-

4

қизлар эса уларни ўзлари билан бирга Москвага олиб кетишди. У ерда Қудратнинг қўлларида жило топган шакллар қўлма-қўл бўлиб кетди. Ҳозирги кунда ўша шакллар ОДЖ, ОФЖ, Чехословакия, Польша музейларини безаб турибди.

Янги истеъдод Сурхон осмонида тонг юлдузи мисол нурафшон чарақлаб турар, уни кўрмаслик мумкин эмасди.

Гўзал кунларнинг бирида Шерободда шов-шувли хушхабар тарқалди.

— Эшитдингларми, Қудратга катта мукофот беришган эмиш!

— Қанақа мукофот экан?

— Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти.

Кимлардир бунга ишонмади.

— Бе-е, бўлмаган гап!

Шов-шув, миш-мишлар ҳақиқат бўлиб чиқди.

Қудрат истеъдодининг қадрига етганлар, унинг нозик санъатидан мафтун бўлганлар кўнгилларидаги холисона гапни айтишди.

— Қудрат бу мукофотга лойиқ. Агар, уни шу мукофотга лойиқ деб топмаганларида адолатсизлик бўларди.

Мана, қўлимда «Шерободлик аёл», гилҳайкалча. Муштдек митти буюм. Лекин унга буюм сифатида қараш ноўрин. У юксак истеъдод маҳсули, санъат намунаси. Гилҳайкалча яна нимаси билан қадрли?.. Ўйчан момо. У майин жилмайган ҳолда ўтирибди. Жиддий эътибор берсангиз, кўзларида бир мунг яширин. Мен буни Қудрат руҳиятидан келиб чиққан, деб биламан. Лекин, муҳими бу эмас. Муҳими шундаки, гилҳайкалчага Сурхоннинг иссиқ руҳи сингдирилган. Унинг оригиналлиги, ўзига хослиги шунда. Уни бир кўргандаёқ, жозибадорлигига маҳлиё бўласиз. «Бу сурхонлик аёл»ку, дейсиз беихтиёр.

Қудрат «Урчиқ йигираётган аёл» гилҳайкалчани ясаб, уйига келтириб қўйганди. Уларникига кириб келган қўшни бола уни кўриб: «Бу менинг момом-ку» дея кулиб юборди.

Бир донишманд: «Яратган нарсангнинг баҳосини билмоқчи бўлсанг, болага кўрсат» деган экан. Ҳақ гап. Боланинг кўнгли тоза. Муғомбирлик, тилёғламалик унинг учун ёт.

Ўтган йили бир муаллифнинг ҳикояси чиқди. Танишларидан бири асарни роса мақтади. Дўсти даврамиздан туриб кетгач, «Икки тийинга қиммат ёзгани» деди. Мана, баъзи катталарнинг санъатга, ижодга муносабати. Гоҳида шундайларнинг бир нимани кўзлаган мақтовларини эшитиб, уялиб кетасан.

Болаки, Қудратнинг ижод маҳсулини тан олган экан, бошқасига гап йўқ.

Мукофотга сазовор бўлганини эшитган Қудратнинг кўзларидан ёш чиқиб кетди. Инсон икки лаҳзада йиғлайди: беҳад изтироб чекканида ёки ҳаддан зиёд қувонганида. Қудрат кўзидаги севинч ёшларни артаркан, ўқитувчисини эслади... Эсламай буладими, дейсизми?

Эгри йўл саробга ўхшайди. Ялт этиб бир лаҳза кўзни қамаштиради-ю, сўнг тубанликка бошлайди. Ҳамдам ака бошидан хомроқ одам эди, аниқроғи, калта ўйларди.

Ўхшашликни қаранг: Қудрат бахтини топган бир пайтда, Ҳамдам ака кундан-кунга хароб бўла борди.

Дилбархон унинг нодонлигидан усталик билан фойдаланарди. Уни мўмай пул топиб келувчи манқуртга айлантирганди. Ўзи иш-пишини йиғиштириб қўйган, кўнглига ёққанидай, шоҳона ҳаёт кечирарди. Ҳамдам ака унга оғиз очиб қаттиқ гапиролмасди. Чиқиб кетишидан ҳадиксирар, шарманда бўлишидан қўрқарди. Бора-бора аламини ичкиликдан ола бошлади. Дилбархон, олдинги хотинига ўхшаб, уни тергаб ўтирмас, келган заҳоти, остонадаги муздек уйга киритиб устидан қулфлаб қўярди.

Магазинни текширувчилар босиб, Ҳамдам аканинг камоматга йўл қўйганини аниқлашди. Уйига келиб, хотинидан пул сўради.

— Қанақа пул? — қошларини чимирди Дилбархон.

— Ҳар куни келтириб берардим-ку! Ўша пуллар?

— Нима, нима? Қачон келтириб бергандингиз! Вой ўлмасам!

Ҳамдам ака аламига чидолмади:

— Нима қилдинг шунча пулни?

Дилбархоннинг кўзлари чақчайди:

— Вой-бу, сурбетликни! Нима деяпсиз?

Ғиди-биди уч кун давом этди.

— Хотинчалиш, ландовур экансиз, — дея ҳақорат қилди Дилбархон.

Ҳамдам ака ҳам оғзига келганини қайтармади:

— Энди билдим сени... сен... сен пулпараст экансан!

— Э, туф-е, сендек эркакка!

Ҳамдам ака ва Дилбархон «спектакли» ана шундай ниҳоясига етди...

Жиззах чўллари.

Тошкентдан яна биров хабар келтиради:

— Эшитдингми?

— Ҳамдам аканими?

— Ҳа!

— Эсиз, бир инсон...

Шерободдан яна бир хабар келади!

— Қудрат салом, деб юборди.

Бирини эслаб куяман, бирини кўриб...

Қудрат ҳақида яна нима дейиш мумкин?

У содда-содда сўзлайди.

— Ҳали ҳам Москвани кўрмаганман.

Москвани кўрмаган йигитнинг номини эса хорижда билишади.

Тўлқин ҲАЙИТ.
«Ёш ленинчи» махсус мухбири.

Ўзбекистон жумҳурияти Президентининг Фармонига шарҳ

(Боши 1-бетда).

Қорақалпоғистон МССЖ Вазирлар Кенгашига, вилоят ижроия қўмиталари ва Тошкент шаҳар ижроия қўмитасига, касаба уюшмалари ва комсомол ташкилотлари билан биргаликда Ўзбекистондан чақирилган йигитлар хизмат қилаётган ҳарбий қисмлар билан оталиқ ишларини кучайтириш топширилди. Жумҳурият ноҳиялари ҳарбий қисмлар билан бевосита алоқа ўрнатишлари, жамоатчилик вакилларининг, уруш ва меҳнат ветеранларининг, фан ва маданият арбобларининг, бадиий ҳаваскорларнинг ҳарбий бўлинмаларга сафарларини мунтазам ташкил этиш, жумҳурият ҳаёти акс эттган китобларни, даврий нашрларни, кинофильмларни юбориш керак, армияга чақирилувчиларни хизматга кузатиб бориш учун ҳарбий комиссариатлар ва жамоат ташкилотларининг вакилларини ажратиш топширилди.

Совет Армияси шахсий состави орасида туб миллатга мансуб офицерлар камлиги ҳисобга олиниб, тегишли кадрларни танлаш ва ҳарбий ўқув юртларига юбориш иши кучайтирилади.

Ҳарбий комиссариатларни ўзбек тилини ҳамда мазкур жойларда яшовчи кўпчилик аҳолининг тилларини биладиган кадрлар билан мустаҳкамлашда Ўзбекистон ССЖ ҳарбий комиссариатига ёрдам бериш жумҳурият ҳукуматига таклиф этилди.

Оммавий ахборот воситаларига ҳарбий қисмларда ҳарбий интизомни бузиш фактларини ва айбдорларга нисбатан кўрилган чораларни кенг хабар қилиб бориш тавсия этилди. Жумҳурият жамоатчилиги армиядаги ишларнинг аҳволини, ҳарбий хизматчиларнинг ҳалок бўлиши ва шикастланиши билан боғлиқ салбий ҳодисалар юз берган ҳарбий қисмлар, бўлинмалар командирларининг жавобгарлиги тўғрисида хабардор бўлиши ҳозирги пайтда айниқса муҳимдир.

Ўзбекистон ССЖ Президенти Фармонининг бажарилиши, шубҳасиз, жумҳурият йигитларининг хизматни ўташини ва уларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишини такомиллаштиришга кўмаклашади.

Матонат

МЕН авваллари узун кечаларда узун хаёллар суришни яхши кўрардим, ёлғиз қолган пайтларимда ғазал ўқигим, қўшиқ эшитгим келарди. Ҳозир-чи! Ҳозир чарчайман. Ғазал ҳам, ҳинд куйқўшиқлари ҳам ҳордиғимни ёзолмайди. Бесарамжон руҳимга таскин беришга сирли хаёлларнинг ҳам, узун кечаларнинг ҳам қурби етмайдигандек туюлади.

Илгарилари ёлғиз қолишни орзу қилардим, Инсон оёғи етмаган жойларга қочиб кетгим келарди. Энди билсам, ёлғизлик ҳақида ўйлаш, орзу қилиш осон экану, аммо ҳақиқий ёлғизликка дуч келсанг... Зеро, ёлғиз яшаётган киши умрининг ҳар бир лаҳзаси ҳаётнинг сўнгги кунидек узун ва қийноқли кечаркан.. Ҳозир мен одамлар даврасига қўшилгим, уларнинг орасидан энг яхшиларини қидириб топгим ва унинг ўзига яхшилигини исботлаб бергим, «Сиз яхшисиз!» деб айтгим келади!..

Мана шундай хаёллар билан юрган кунларимда қўлимга ленинободлик шоира Зулфия Бобоеванинг шеърлари тушиб қолди-ю, қачондан бери излаб юрган дўстимни топиб олгандек тошқиниб кетдим ва бу гўзал шеърларнинг муаллифи билан учрашиш умидида Ленинободнинг Мужун қишлоғига шошилдим.

Зулфия БОБОЕВА 13 ёшли қизалоқ пайтида бир бахтсизлик туфайли мактабга қатнаш, ўртоқлари билан чопқиллаб ўйнаш имкониятидан маҳрум бўлиб қолган. У узоқ вақтдан бери яхши кунларни кутиб яшайди, тинимсиз ижод қилади, ўқийди, изланади. У ёзган шеърларнинг оҳанграбоси оққўнгил инсонларни шоира ҳузурига етаклаб боради:

Мен шоирман — ёнмоғим
тақдирда бор дунё,
Қораликда мисли тун,
оқликда қор дунё.
Тунни тонгга улайман —
бўласан дор дунё,
Эзгулик деб йиғлашдан
қилмайман ор дунё.
Ҳақларга етсин оҳим, бўлма
девор дунё,
Оёққа тур илоҳим — мендек
бемор дунё.
Мен шоирман — ёнмоғим
тақдирда бор дунё,
Қораликда мисли тун,
оқликда қор дунё.

Мен бу хонадонга келиб Зулфия опа бошқалардек илҳом излаб дала кезолмаса-да, ёзган машқларини муҳарририятларга ўз қўли билан элтиб бериш имкониятига эга бўлмаса-да, ҳақиқий шеърият унинг ўзини қидириб топганига ва шоира билан содиқ яшаётганига гувоҳ бўлдим.

Уларнинг уйи қишлоқнинг энг баланд қисмига жойлашган. Шоира яшаётган хонанинг биттагина деразаси бор. Қуёш энг биринчи мана шу хонани ёритади. У эса ҳаммадан барвақт уйғониб, мўъжазгина хонасининг ихчам деразасидан серғалва дунёни, бахт қидириб елиб-югураётган одамларни кузатади, уларнинг қувончларини, ташвишларини идрок этади. Сўнгра шу хонада шеър ёзади, китоб ўқийди, меҳмон кутади, меҳмон кузатади, шириндан-ширин жиянларини эркалаб, уларга эртаклар айтиб роҳатланади. Меҳрибон отасининг, дўстларининг, айниқса, укаси Абдулҳамид ва келини Ҳурнисонинг меҳридан қувват олиб яшайди. Шоиранинг кўнглигина эмас, қўли ҳам гул. У чиройли кўйлаклар тикиб, бежирим нимчалар тўқиб завқланади.

Зулфия опанинг сўзларига қулоқ соламан:

— **Менда вақт етарли. Афсуски, унинг ҳаммасини кўнглимдагидек сарфлаш имкониятига эга эмасман. Янги шеър ёзган пайтимда жуда енгил бўлиб қоламан, аммо бу ҳам узоққа чўзилмайди...**

— Қандай шеърларни яхши кўрасиз?

— **Табиий шеърларни яхши кўраман. Юракдан — йиғлаб ёзган шеърларим албатта қайсидир юракка бориб тегишини ўзим ҳам пайқайман.**

— Сизни нималар безовта қилади?

— **Кўп нарса! Айниқса меҳрсизлик... Аёл меҳрни ҳис қилиб яшаса, ҳеч қачон ўзига-ўзи ўт ёқмайди. Болалар уйларида тарбияланаётган гўдакларнинг тақдиридан ташвишланаман, эҳтимол, улар учун барча шароитлар муҳайёдир, лекин ота-онанинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. Агар инсоннинг инсонга меҳри кучли бўлса, турли бемаза курашлар, қон тўкишлар, миллий низолар содир бўлмасди! Яна — халқимизга ўзининг ишонувчанлиги ва соддалиги панд бераётганидан ҳам азоб чекаман.**

— Ижодкор учун қайси фазилатларни муҳим деб ҳисоблайсиз?

— **Мен ҳақиқий инсон бўлмай туриб, чинакам ижодкор бўлишни тасаввур қилолмайман. Ижодкорда Ватанга, инсонга чексиз меҳр ва яна буюк дард, эзгу маънодаги буюк дард бўлсагина, у баркамол ижодкор бўла олади.**

— Зулфия опа, кейинги пайтларда биз жамиятимизда рўй бераётган катта-катта муаммолар тўғрисида куйиниб баҳслашадиган, тортишадиган бўлиб қолдик. Лекин энг муҳими — инсоннинг инсонга муомаласи дағаллашиб кетаётганини хаёлимизга келтирмаймиз. Мен одамлар ўртасида ўша майин шарқона муомала, гўзал туркона муносабатлар тикланишини истайман. Шу маънода, шеъриятимизда ҳам мана шундай дағаллик пайдо бўлиб қолмаяптимикин? Сиз нима деб ўйлайсиз?

— **Фикрингизга қўшиламан. Шеъриятни самимиятга яқинлаштириш керак. Дағаллик ҳамма нарсага аралашса ҳам, шеъриятга, санъатга аралашмагани маъқул, шекилли... Мен умуман, юракдаги дағалликдан ҳоли бўлишини, ҳаёт бегуборлик асосига қурилишини истайман.**

— Мен ҳозир суҳбатимизни бутунлай бошқа мавзуга буриб, сиздан муҳаббат ҳақидаги фикрингизни сўрамоқчиман. Эҳтимол, ҳозиргидек кескин бир даврда бу мавзуда суҳбатлашиш кимларгадир эриш туюлар. Лекин мен ўйлайманки, ҳар биримизнинг қалбимизда муҳаббат ҳисси яшаса, ҳар биримиз кимнидир севиб, кутиб, авайлаб яшасак, бизни, халқимизни, еримизни иллатлардан муаммоларнинг анчаси барҳам топган бўларди.

— **Муҳаббат — бор нарса. Муҳаббатга суяниб яшасанг, ҳаётинг енгиллашгандек бўлади, атроф чиройлироқ кўринади. У кишини ҳаётнинг майда икир-чикирларига, ўткинчи нарсаларига ўралашишдан асрайди. Қанийди, муҳаббатсиз одам муҳаббат олдида ўзини жавобгар ҳис қилса, муҳаббат ҳар бир кишининг сирдош дўстига айланса-ю, юракнинг энг сирли жойига яшириниб олиб, уни ҳамиша эзгу ишларга ундаб турса!**



Қалбимга ҳамдард сатрлар

Яна Зулфия Бобоеванинг шеърларини ўқийман. Қулоғимга сўйлаган қалбнинг нидолари — ҳинд куйлари эшитилгандек бўлади. Уларни Сизга ҳам илинаман:

Қарайберинг майли, менга шу
ҳам бахт,
Шу ҳам катта давлат билганга
ўзни.
Тиканга рўбарў қилмайман ҳеч
вақт —
Кўзимга термулган беғубор
кўзни.
Қарайверинг майли, ўзингизча
ҳақ,
Қарайверинг зинҳор бермасдан
ёрдам.
Токи бўлмагунча тамомила ғарқ
Нигоҳлар дарёси оқизган одам!
Қарайберинг — шунча кутганим
етар —
Иссиқ қарашингиз соғиниб,
ўйлаб.
Қор одамман ахир — эригим
келар,
Оққим келар менинг соҳиллар
бўйлаб...

Мен ҳам шу гўзал ва покиза шеърият оғушига ғарқ бўламан ва хонанинг кичкина деразасидан атрофга қарайман. Ундан узоқ-узоқларни кўриш мумкин ва бирдан шу кичкина дераза дунёнинг сеҳрли дарчаси эмасмикан, деб ўйлаб қоламан. Шоиранинг ўйчан кўзлари, меҳрибон нигоҳлари, сокин овози, вазмин ҳаракатлари мени ҳам сеҳрлаб қўяди. Унга бир сўз ҳам айтолмай — яна хонага назар ташлайман ва шоиранинг бор-йўқ бойлиги бўлган китобларга кўзим тушади. Зулфия опа менинг кўнглимдан кечганларини дарров сезади:

— **Китоблар — яхши. Улар ёлғиз қолган пайтларимда мени ўз паноҳига олади. Лекин барибир дўстлар ўрнини, инсон ўрнини ҳеч қачон китоб босолмайди...**

Инсон бахтиёр кунларни кутишдан, хушнуд лаҳзаларни эслашдан чарчамас экан. Ленинободдан қайтганимга кўп бўлмади, лекин Зулфия опани соғина бошладим. Яхшиям, инсонга хотира деб аталмиш буюк неъмат берилган. У билан қилган узун суҳбатларимизни эслаб дам оламан, шеърларини қайта-қайта ўқийман. Аслида мен Ленинободга Зулфия опани хурсанд қилиш, кўнглини кўтариш илинжида боргандим. Ҳақиқатда эса у менинггина эмас, сизнинг ҳам кўнглингизни тоғ қадар юксалтиришга қодир ижодкор экан. У ўз аламларини бировларга улашишни эмас, балки «Оёққа тур илоҳим, мендек бемор дунё» дея дунёнинг дардларини бўлиб олишни истайди. «Оёқларим бош тортдилар юрмоқликдан эътиқодлар қабристони оралаб йўл...» дея олишлик ҳаётни жондан ортиқ суйган шоиранинг чинакам исёни эмасми! Ахир унинг: «Заҳарланган Кумушман бугун, чидами йўқ Отабегимнинг» деган ҳақли ҳайқириғи ҳар биримизнинг қалбимизни ўртаб юбориши ёлғонми? Ёлғонмас! Шоира ёзганларининг ҳаммаси — рост, ҳаммаси — ҳақиқат!

Қувончимнинг яна бир боиси — шу кунларда Ғончи ноҳияси «Победа» давлат хўжалиги маъмурияти Мужуннинг энг хушманзара еридан жой ажратиб, эл суйган қиз — Зулфия БОБОЕВА учун қурилаётган иморатни битказиш арафасида турган экан. Ҳозир Зулфия опа 36 ёшдалар. Мен биламанки, бу янги уйда ҳар куни байрам бўлади, ҳар куни шеър ёзилади. Дўстлар, шоирлар, шеър мухлислари учрашади, дийдорлашади. Эҳтимол, бу уйнинг номини ҳам «ДИЙДОР» деб аташар!

Шу ўринда, кўнглим сезиб турган ва ўзим жуда ишонаётган бир гапни ҳам айтмасам бўлмайди: шоира одамларнинг меҳрини ҳис қилиб, уларни авайлаб яшаяпти. Биласизки, меҳр ҳамма нарсадан кучли. Демак, Зулфия опа албатта оёққа турадилар. Ҳаётда мўъжизалар кам бўлганми! Мени айтди дерсиз, бир бахтли тасодиф рўй берадию, Зулфия БОБОЕВА ёруғ кунларнинг бирида хонадонимизга кириб келадилар ва бизга ўтган кунларини эртак қилиб сўйлаб берадилар. Ўшанда бизга қўшилиб, ўз иродасига ўзи ҳам қойил қолади.

МЕН шоира ҳузурида икки кечаю-икки кундуз бўлиб Тошкентга қайтар эканман, оралиқдаги 200 чақиримча келадиган масофанинг салмоғини сезмадим. Чунки мен шу кунга қадар излаб юрганим — ҳақиқий ижодкорнигина эмас, балки ҳаётни ҳаммадан ҳам кўпроқ севувчи, қадрловчи инсон, матонатли қалб соҳибасини ҳам кашф қилиб қайтаётганимдан бахтиёр эдим! Беихтиёр унинг хаёлимда муҳрланиб қолган сатрларини такрорлайман:

Яхши тилакларни жо қилдим
дилга,
Учиб кетмасин бир зарраси
елга.
Мудом эли учун лойиқлар —
элга
Илоҳим буюрсин онажон!

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА,
шоира.

«Обуна — 91»

«ГУЛХАН»НИНГ БАҲОСИ НЕЧА СЎМ?

Қадрли болалар!

Жуда кўпдан бери Сиз бозор нархи, бозор иқтисодиёти деган ибораларни эшитяпсиз. Гулханжон дўстингиз ҳам бу узунқулоқ гапларни эшитса ҳам, парво қилмай юрган эди. Таассуфки, катталар нашри учун жорий этилаётган янги нарх-наво бир зумда болалар нашрлари оламига ҳам кириб келди. Шу пайтгача йилига 340—350 минг сўм соф фойда келтираётган «Гулхан» ойномаси 1991 йилдан нақ қарзга ботаркан-қоларкан: нима қилиш керак? Қоғоз баҳоси қимматлашса (давлат нархи тахминан икки баравар, чакана нархи эса тахминан 10 баравар эмиш), ёмхона (почта) ходимлари энди ҳар бир ойномани элтиб бериш учун икки баравар кўп ҳақ талаб қилишса...

Бу ёқда босмахона харажатлари ошса...

Ойноманинг баҳосини оширмаса; уни паноҳига оладиган кафолатчи — спонсор корхона топилармикан?

Ёки Болалар жамғармасининг Ўзбекистон бўлимидан ёрдам сўраш керакми? Болалар жамғармасининг 40 фоиз хайрия пули Бутуниттифоқ жамғармасига хайру эҳсон бўлаётганда, улардан мадад кутиш керакми?

Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитаси болалар ва ўсмирлар нашрларининг нархини оширмаслик учун жумҳурият Президенти ўртоқ И. А. Каримовга мурожаат қилиб, 3 миллион сўм маблағ ажратишни сўради. Бу масала қандай ҳал бўлади, бу ёғи ноаён...

Хуллас, чигил муаммони ечиш учун ойнома фаоллари, таҳрир ҳайъати аъзолари келишиб «Гулхан»нинг битта сони 30 тийин, йиллик обуна баҳоси 3 сўм 60 тийин миқдорида белгиланди. Ойномага обуна чекланган миқдорда қабул қилинади: тахминий тираж 400 минг нусха.

ҒАРОЙИБ ТУҲФА

Мушт кетди,
Қаққа кетди?
Хабар балдоқ
Тақа кетди.
Сергак бўлсанг,
Кутиб олгин.
Чопқир бўлсанг,
Тутиб олгин.

Болалар! Эълоним — эълон, эшитганга беш баҳо, бепарвога ҳеч вақо. 9-китобчамга ажойиб хушхабар битиб йўлга тушдим. Остонамдан ўтмаёқ, ойнома талаш. Ортга қайтавериб темир ковушим одош бўляпти. Шунинг учун рўзномадан ёрдам сўрадим.

Ойноманинг сентябрь ойи китобчаси «Менинг биринчи китобчам» ижодий беллашуви иштирокчилари асарларидан тартибланди. Ана шунинг учун ҳам ойнома дўконларда талаш бўлганмиш. Ана шунақа!

Ғолиб дўстларимизнинг ижодидан намуналарни ўқинг, уларни сиз ҳам кутланг.

ГУЛХАНЖОН дўстингиз.



Жонкуяр мураббийлар, маориф ходимлари, ноҳия комсомоли етакчилари, мактаб кутубхоначилари, жойлардаги алоқа бўлими ва ёмхона ходимлари бир ёқадан бош чиқариб, «Гулхан» обунасини уюштиришда бизга кўмак берадилар, деб ўйлаймиз. Фарзандларимизга ҳақиқий дўст, сирдош, ижодининг илк кўзгуси бўлган «Гулхан» ҳар бир хонадонга кириб бориши керак. Муштарийларнинг ишончига лойиқ изланиш, меҳнат қилиш учун ойнома жамоаси бор кучини, билимини аямайди.

Энди, Алоқа вазоратидаги мутасаддиларга жиндай айтар арзимиз, жиндай ўтинчимиз бор: жумҳуриятимиздан ташқарида яшайдиган ўзбек болалари учун иложи борича имтиёзни унутмасак (ташқарига чиқадиган ойнома учун ёмхона хизмат ҳақи қимматроқ бўлади, деган акс-садо борда!). Ҳар бир халқнинг фарзанди ўз элининг, ўз тилининг дарди билан яшаши, унинг камоли йўлида имкон қадар хизматини, ҳимматини аямаслиги керак...

Демак, болаларнинг безакли, адабий-бадиий ойномаси «Гулхан»га обуна бўлишни унутманг, азиз ўқувчилар!

Индекс 75230.
1 йилга 3 сўм 60 тийин.
6 ойга 1 сўм 80 тийин.

Ойдин ХОЖИЕВА,
ойнома бош муҳаррири.

* * *

Ойномани варақлаб,
Кўзим кетар яроқлаб.
Дейман: — Дўстлар, бир
қаранг,
Саҳифалар ранг-баранг.
Ёзилмасдан «Гулхан»га
Кейин деманг аттанг-а.

Илҳом МАҲКАМОВ.
Тошкент вилояти Оҳангарон ноҳиясидаги 16-мактаб ўқувчиси.

ЗЎР ИШ

Акварнумга Алишер,
Ҳовучлаб туз солибди.
Сузиб юрган балиқлар
Тезда ўлиб қолибди.
Дадаси дер: —
— Туз билан,
Акварнумни тўлдирдинг.
Нечун бундай қилиб сен
Балиқларни ўлдирдинг?
— Балиқларим ҳусида
Тенгсиз бўлсин дегандим.
Уйда аквариум эмас,
Денгиз бўлсин дегандим...

Нилуфар ЁҚУБЖОНОВА,
Андижон ноҳиясидаги 33-ўрта мактаб ўқувчиси.

ШАМОЛ БИЛАН СУҲБАТ

— Шамол, шамол, ҳой
шамол,
Ағдардинг-ку, шотини!
Қулаб тушди қари тол
Айтиб-айтиб додини.
Шамол, шамол, ҳой
шамол,
Чиқиб кетақол боғдан!
Дадам келса, эҳтимол,
Айриласан қулоқдан!

Мукаммал
РАҲМАТУЛЛАЕВА.

ТЕЛЕФОН

Сўраб қолди бир кун
Гулойим:
— Қани, менга айт-чи,
Умрзоқ,
Аъло баҳо оласан доим,
Телефонлар тузилган
қандоқ?
— Бордир унда оғиз ва
қулоқ,
Аммо унинг йўқдир оёғи.
Оғзи сира гапирмас, бироқ
Сўзлашади унинг қулоғи.

Ҳамидулло ЮСУПОВ,
Андижон шаҳридаги 27-ўрта мактаб ўқувчиси.

Спорт: халқаро учрашувлар

ЖАҲОН МАЙДОНИДАГИ ДЕБЮТ

Ўзбекистон спортчиларидан тузилган таэквондо бўйича Совет Иттифоқи терма командаси спортнинг шу тури бўйича биринчи марта жаҳон чемпионатида қатнашди. Бизнинг беш спортчимиз Канадада, Монреалдаги «Клод робиллард» спорт саройида таэквондо курашининг таниқли усталари билан учрашдилар. Юртдошларимиздан бири Ботир Маметов 71 килограммгача бўлган вазн категориясида бронза медалини қўлга киритди.

ЎзТАГ мухбири Л. ЛЕВИН СССР Таэквондо федерациясининг вице-президенти, халқаро тоифадаги ҳакам В. ЛИГАЙ билан жаҳон чемпионати қандай ўтгани тўғрисида суҳбатлашди.

— **Вольмир, «Советский спорт» рўзномасида берилган қисқа хабарда терма командамизнинг жаҳон биринчилигидаги дебюти умидбахш деб баҳоланди. Нима бу, ёш команданинг кўнглини кўтариб қўйишми, ёки аслида ҳам шундайми!**

— Ўзингиз ўйлаб кўринг, биз фақат шу йилнинг январь ойидангина халқаро мусобақаларда иштирок эта бошладик. Дастлаб Швейцарияда бўлиб ўтган Европа чемпионатида, кейин эса ГФЖда ўтказилган йирик халқаро мусобақада меҳмон сифатида қатнашдик. Дарвоқе, бу мусобақада терма командамизнинг тан олинган пешқадами Ботир Маметов ғолиб чиқди. Хуллас бизда халқаро мусобақаларда қатнашиш тажрибаси камроқ эди. Лекин шунга қарамай, жаҳон чемпионатига энг орқада қолмаслигимизни ҳис этиб бордик. Ҳолбуки, ҳали ютуқларимиз ҳам унча катта эмас — 49 команда ўртасида 20-ўринни олдик.

Таэквондо бўйича Монреалда бўлиб ўтган халқаро конгрессда СССР терма командаси расман тан олинди, мамлакатимизнинг икки вакили эса халқаро федерация раҳбариятига сайланди. Жумҳурият Таэквондо комиссиясининг раиси Х. Юсупов бизнес комиссиясига раҳбар бўлди, СССР Таэквондо федерациясининг президенти В. Кузин эса коллежлар бўйича комиссия ишларини мувофиқлаштириб туради.

— **Нима учун Совет Иттифоқи терма командаси фақат ўзбекистонлик спортчилардан тузилди!**

— Бизнинг йигитларимиз Тошкентда ва Москвада ўтган йиғинларда яхши натижалар кўрсатишди. Ҳусниддин Қурбонов, Эдуард Ли, Ботир Маметов, Ислом Иброҳимов, Гранит Ли ҳозир жуда яхши ҳолатда эканлиги муболаға эмас. Демак, уларнинг ҳар бири мамлакат асосий командасидан ҳақли равишда ўрин олди.

— **Ўзбекистон таэквондо кураши марказига айланиб бораяпти, чоғи...**

— Жумҳурият Таэквондо федерацияси зарур расмий мақомни олди. Шу ерда мен унинг раиси Х. Юсуповнинг ўрнини таъкидлаб ўтмоқчи эдим. У спортнинг бу турини оммалаштириш учун катта иш қилди.

— **Баъзи бошқа гаплар ҳам қулоққа чалинади. Хуллас, таэквондо — спортнинг жанговар тури. Шундай экан бу хусусда муаммолар келиб чиқмаяптими!**

— Бу масалага бошқа сира қайтмаслик учун изоҳ бераман. Таэквондо — Шарқ якка курашининг контактсиз туридир. У одамда олижанoблик ва мардликни тарбиялайди. Жумҳуриятимизда таэквондони қарийб 20 минг киши ўрганмоқда. Булар ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом кишилар бўлишади, деб умид қиламиз.

ТВ

7 СЕНТЯБРЬ — ЖУМА

● ЎзТВ I

11.30 «Мюнхаузеннинг саргузаштлари», «Сирли қулф». Мультфильмлар. 12.00 Такрорий фильмлар экрани. «Излаб топ мени, Лёня». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 Янгиликлар. 17.40 «Ғаройиб саргузашт», «Оддий ва хавфли саргузашт». Қўғирчоқ фильмлар. 18.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Кубань» (Краснодар). «Пахтакор» Марказий стадионидан репортаж. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Жумҳурият театр арбоблари уюшмаси қошидаги «Ўзбекистон» мусиқий-хореографик театр-студиясининг концерти. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги олдидан. «Навоийхонлик». Мусиқий кўрсатув. 21.50 «Одобнома». 22.00 «Ахборот». 22.20 «Жуда керакли одам». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия). 23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.10 «Фасл жилолари». Телефильм. 18.25 «Партизан ертўласининг сири». Бадиий фильм (А. Довженко номли киностудия). 19.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Айни ҳаракат пайти». Бевосита мулоқот. Табиат муҳофазаси ҳақида (рус тилида).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Инсон ва қонун». Тележурнал. 21.40 «Она ва бола». 22.00 «Ахбор». 22.20 «Санъат усталари». Тожикистон ССЖ халқ артисти Рафаэл Толмасов. 23.20 «Гипноз ва саломатлик». Психотерапевт Муллозуҳур Тоҳирий телесеанси.

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.05 Мультфильмлар: «Энг билимдон қуён», «Топчумба». 8.30 «Кўкторғоқлар». Телефильм премьераси (Таллинн). 9.10 Фестиваллар. Конкурслар. Концертлар. 10.10 «Йил фасллари». Сентябрь. 11.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 12.00 «Вақт»

* * *

16.45 Мультфильмлар: «Тайёрланмаган дарслар мамлакатида», «Бир» баҳо билан содир бўлган воқеа». 17.15 Бразилиянинг миллий байрами — Мустақиллик эълон қилинган кунга. «Бразилия калейдоскопи». 18.00 «Вақт». 18.30 Мультфильмлар: «Данило ва Ненила». 1 ва 2-сериялар. 18.50 Австралия телевидениесининг беш оқшоми. «Шторм боласи». Телевизион бадиий фильм. 20.30 «Вақт». 21.00 Ички Ишлар вазирлиги маълумотларига кўра. 21.15 Австралия телевидениесининг беш оқшоми. Австралиянинг 200 йиллигига бағишланган концерт. 22.30 Коллаж. 22.35 «Бу бўлган... бўлганди...» 22.55 «ТСН» 23.10 «Команда». Иккинчи тажриба. «Нигоҳ». «Машина времени» группасини таништиради.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.

Ўқув программаси

8.15, 9.25 «Чюрленис олами». Телефильм. 8.35, 9.45 Адабиёт. 5-синф. Топишмоқ. 8.55 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 10.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 10.35, 11.35 Жуғрофия. 6-синф. Жуғрофик кашфиётлар тарихидан. 11.05 «Бурда моден» таклиф этади...

* * *

12.05 «Тўкилган барглар». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.55 «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар» (ГДЖ). 13.55 Такрорий телефильмлар сеанси. «Тушетия чўпонлари» 3-серия.

* * *

16.30 Она ва бола саломатлиги муаммолари ҳақида кўрсатув (Чебоксари). 17.05 Коллаж. 17.10 Спорт ҳамма учун. 17.25 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Бобом ва менинг қўшиқларимиз» (Хабаровск). 18.00 «Вақт» (сурдо таржимаси билан). 18.30 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. 19.20 «Ғаройиб кит боласи». Мультфильм. 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Мурзилка» ҳузурида меҳмонда». 19.45 РСФСР Олий Совети сессиясининг кундалиги. 20.45 «Маруся хола». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар («Беларусьфильм»). 22.55 РСФСР Компартиясининг съездида. Информацион кўрсатув.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец»
орган ЦК ЛКСМ
Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 22568.